

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM
VAZIRLIGI
NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA
UNIVERSITETI**

Qaxxarov Siyovush Xudoyor o‘g‘lining

**Xalqaro tajribalarni o‘rganish va tahlil qilish bilan o‘quvchi yoshlarni
vatanparvarlik ruhida tarbiyalash tizimini takomillashtirish**

Mutaxassislik: 5A *110601* – *Chaqiriqqacha harbiy ta’lim yo’nalishi*

Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan

DISSERTATSIYA

Himoya qilishga ruxsat

“Chaqiriqqacha Harbiy
Ta’lim” kafedrası dekani

Magistratura bo‘limi boshlig‘i

_____ M.Esanov

_____ podpolkovnik

L.X.Davirov

2016 y “_____” iyun

Ilmiy rahbar.

_____ A.Y.Sotvoldiev

Toshkent-2017

MUNDARIJA

KIRISH.....

I BOB. O'quvchi - yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning va shakillantirish.....

1.1 Ватанпарварлик шаклланишининг мотиви, гносеологик асоси, мавжудлик усуллари, ғоявий манбаи ва воситалари субстанционал компонентлар сифатида.....

1.2 Akademik litsey va kollejlarda vatanparvarlik ishlarini rivojlantirish buyruqlari.....

II BOB Xalqaro tajribalarda yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning pedagogik asoslari va ularni O'zbekiston sharoitidagi ahamiyati

2.1 Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda xalqaro tajribalarning o'rni va dolzarbligi.....

2.2 Xalqaro vatanparvarlik tajribalarining O'zbekiston sharoitidagi ahamiyati

III BOB. Xalqaro tajribalarda yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash ularni o'rganishva tahlil qilishga doir tajriba sinov ishlarini o'tkazish va natijalar tahlili

1. Tajriba-sinov ishlarining mazmuni va uni o'tkazish.....

2. Olingan natijalar tahlili.....

Xulosa.....

Foydalangan adabiyotlar.....

Kirish.

O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimov o'zining "O'zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura" kitobida bizni o'rab turgan notinch dunyoda do'stlar ham, O'zbekistonni o'z ta'sir doirasiga tortmoqchi bo'lganlar ham qo'llashi mumkinligini, shu bois biz barqaror yaxshi tayyorlangan va yaxshi qurollangan, sarhadlarimizning, Mustaqilligimizning himoyasini ta'minlay oladigan armiyaga ega bo'lmog'imiz kerakligini aytadi. Bunga esa yagona davlat siyosatini olib borish, iqtisodiy, siyosiy, tashkiliy, harbiy, huquqiy va boshqa harakterdagi tadbirlarni amalga oshirish bilan erishiladi.

Mamlakatimiz mudofaa qudratini oshirishning eng muhim shartlaridan biri O'zbekiston yoshlarining harbiy – vatanparvarlik tarbiyasining ajralmas qismi bo'lgan mudofaa – ommaviy va sport ishlarini tubdan yaxshilashdir. Bu yoshlarda yuksak ma'naviy – siyosiy va jangovar sifatlarini shakillantirish, ularning harbiy bilim va malakalarini egallashlarini ta'minlovchi davlat va ijtimoiy tashkilotlar tadbirlari tizimidan iborat.

Mudofaa – ommaviy ishlar, yoshlarni vatanparvarlik, O'zbekiston Qurolli Kuchlariga muhabbat va hurmat, yuksak ogohlik va mustaqil O'zbekistonning qurolli himoyachisi bo'lishga doimiy tayyorgarlik ruhida tarbiyalashga qaratilgan tadbirlar tizimidir.

Mudofaa – ommaviy ishlar vazifasi ommada harbiy va harbiy – texnik bilimlarni, sportning harbiy – texnik turlarini keng targ'ib etish, yoshlarni harbiy xizmatga har tomonlama tayyorlash.

Mudofaa – ommaviy ishlarining shakl va uslublari turlicha bo'lishi mumkin. Ularni tanlashga ijodiy yondashishi mumkin. Bu yerda tanqid, ma'muriyatchilik, bir xillikka yo'l qo'yib bo'lmaydi, bir xil lekin turli yoshdagi o'quvchi – yoshlar bilan o'tqaziladigan mashg'ulot shakli mazmuniga ko'ra va o'tkazish uslubiga ko'ra jiddiy ravishda farq qilish kerak. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, mudofaa – ommaviy va harbiy

vatanparvarlik ishlari muvoffaqiyati, eng avvalo, o'tkazilayotgan tadbirlarning yuksak ma'naviy siyosiy, ijtimoiy – foydali yo'nalishiga bog'liq. Mudofaa – ommaviy ishlarining samaradorshakillarini to'g'ri tanlash ham ahamiyatga ega. Mudofaa – ommaviy ishlar

1.1. Ватанпарварлик шаклланишининг мотиви, гносеологик асоси, мавжудлик усуллари, ғоявий манбаи ва воситалари субстанционал компонентлар сифатида

Юқорида кўрдикки, ватанпарварлик шаклланишининг бош субстанционал компоненти инсон ва унинг бирликлари экан. Улар ватанпарварлик шаклланишининг субъекти вазифасини бажарадилар. Кишиларнинг ватанпарварликка бўлган эҳтиёжлари унинг шаклланиш системасини ташкил этувчи иккинчи субстанционал компоненти бўлиб, унинг юзага келишининг ҳаётий манбаи ва мотиви вазифасини бажаради. Ватанпарварликка оид эҳтиёж ва манфаатларни англаш, яъни ватанпарварлик онги ватанпарварлик шаклланишининг система ташкил этувчи учинчи субстанционал компоненти бўлиб, унинг юзага келишининг гносеологик асосини ташкил этади. Ватанпарварликка оид қараш ва тамойилларни ижод қилиш ва кишиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ватанпарварлик шаклланишининг система ташкил этувчи тўртинчи субстанционал компоненти бўлиб, ватанпарварликнинг мавжудлик усули ҳисобланади. Бу субстанционал компонент ватанпарварликнинг система сифатида шаклланишининг мавжудлик усули ватанпарварликка оид фаолиятнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Ватанпарварликка оид қараш, тамойиллар, муассасаларни ижод қилиш ва кишиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш натижалари – ватанпарварликка оид қараш, тамойиллар ва ватанпарварлик эътиқодига эга кишилар ватанпарварлик шаклланишининг бешинчи система ташкил этувчи субстанционал компоненти бўлиб, ватанпарварлик юзага келиши ва мавжудлигининг ғоявий манбаи ва воситалари ҳисобланадилар.

Биз юқорида ватанпарварлик онгининг шаклланишини, яъни ватанпарварликка оид эҳтиёжларнинг англаб олинишини унинг система сифатида юзага келишининг гносеологик асоси, дедик. Ватанпарварликнинг система сифатида шаклланишининг бешинчи субстанционал компонентларидан ватанпарварликка оид қараш ва тамойилларни эса унинг ғоявий манбаи сифатида қараямиз. Улардаги фарқ - иккинчи субстанционал компонент- ватанпарварликка эҳтиёжнинг англаб олиниши руҳий-ғоявий шаклланишни акс эттиради, бешинчи субстанционал компонент – ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар эса нисбатан тайёр ҳолига келтирилган билимлардир. Бу билимлар ҳам ватанпарварлик шаклланишининг билувчилик асослари бўлиб хизмат қилади, аммо у бунда асосан изоҳлаш ёки тарғиб қилиш учун ғоявий манба вазифасини ўтайди.

Ватанпарварлик соҳасида юзага келган муассасалар, масалан, “Ватанпарвар” ташкилоти эса ватанпарварликнинг система сифатида шаклланишининг воситалари вазифалирини ўтайди. Инсоннинг ватанпарвар сифатида шаклланиб бўлиши эса айна вақтда ватанпарварлик субъекти ва айна вақтда ватанпарварлик тарбияси, яъни тўртинчи субстанционал компонентнинг натижасидир. Ватанпарварликка оид қараш, эътиқоднинг кишилар хатти-ҳаракатларида намоён бўлишлари эса ватанпарварлик шаклланишининг система ташкил этувчи олтинчи субстанционал компонент бўлиб, у ватанпарварлик фаолиятининг иккинчи босқичи сифатида унинг мавжудлик усулларидан бири вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам биз ўз тадқиқотимизда иккинчи бобнинг иккинчи параграфини номлашда ватанпарварлик ушбу система ташкил этувчи ушбу субстанционал компонентларнинг маъно – мазмунига қисқача тўхталамиз.

Ватанпарварликнинг шаклланиши биринчи босқичи субстанционал компоненти – ватанпарварлик эҳтиёждир. Инсон ўзи туғилиб ўсган жой ва халқи, жумладан, туғишганлари билан боғланиб қолади. Ёш болада уларга нисбатан қадриятли ёндашув бошланади. Уларсиз ўзини мустақил тасаввур

кила олмайди. Уларни ҳимоя қилиш ва эъзозлашга эҳтиёж юзага келади. “Эҳтиёж, - дейди Г.А.Кочкальда, - нафақат субъект ва объект ўртасидаги муносабатларни ифодалайди, балки шу билан бирга индивиднинг ватанпарварлиги фаоллигининг манбаи, ватанпарварлик фаолиятининг кўзгатувчи кучи бўлиб чиқади. Ўз навбатида, эҳтиёж манфаатларнинг табиий – социал асоси – ватанпарварлик ҳаракатининг реал сабаби ҳисобланади. Эҳтиёжларнинг манфаатларда трансформациялашуви субъектнинг она-юртга муносабатини мустаҳкамлайди ва ватанпарварлик фаолиятининг мотиви ҳаракатчанлигини таъминлайди”¹. Муаллифнинг ушбу фикрларига қўшилиб, шуни таъкидлаймизки, инсон ва унинг бирликлари, жумладан, миллат ва унинг яшаш ҳудудига боғлиқ ҳолда уларни ҳимоялаш ва гуллаб-яшнашига эҳтиёж юзага келади. Эҳтиёж ниманингдир етишмовчилиги бўлса, манфаат эса субъектнинг ижтимоий муносабатлар тизимида ўз ўрнини топа билишидир. Биз ватанпарварликка бўлган эҳтиёж объектив тақозо қилинадиган субъектнинг объектга муносабати, деган умумназарий фикрларга қўшилган ҳолда, унинг негизида субъектнинг эркинликка интилиши ётади, деган фикрни илгари сурамыз. Эркинлик – бу истиқлол, яъни бир халқнинг мустабид тузимдан қутилишидир. Эркинликка барча халқлар, ҳар бир шахс интилади. Бу интилиш эса мустабид тузумга, мустамлакачиликка нисбатан, мамлакатнинг ички ва ташқи муносабатларида камситишларга нисбатан, тенглар ичра тенг бўлиш учун ватанпарварликка бўлган эҳтиёжларни ҳам юзага келтиради. Бу эҳтиёж эркинликка бўлган эҳтиёждир. Шунинг учун ижтимоий эҳтиёж социал фаолликка олиб келади. “Социал фаоллик эса, – дейди З.Р.Қодирова. – конструктив эркинликнинг шаклланишига стимул беради ва йўналтиради”². Эркинлик сиёсий маънода озодликдир. «Ўз эркинлигидан воз кечиш, - деган эди Жан Жак Руссо, - бу ўз инсоний таънидан, инсон ҳуқуқларидан, ҳатто унинг бурчларидан воз кечиш

¹ Кочкальда Г.А. Патриотическое сознания советских воинов: сознания, тенденция, развития и формирования. – М.,1991. – С. 13-14

² Қадирова З.Р., Шарипов А.Д., Алиева В.Р. Повышение социальной активности и толерантности молодежи-важный фактор построения гражданского общества в Узбекистане. – Т.: Изд. инс. филос. и права, 2008. - С. 21.

демакдир”³. Эркинлик юридик маънода ҳуқуқдир. Бу ҳақда С.О.Абдухолиқовнинг қуйидаги фикрларини келтиришни маъқул топдик:

Ҳуқуқ субъектлар ўртасидаги тенглик, адолат ва эркинлик каби ижтимоий муносабатларнинг мажбурий ва келишувчилик ҳамда уларни кафолатлаш даражаларини тақозо этувчи асосий боғланишларидир.

Демак, тенглик, адолат ва эркинлик ҳуқуқнинг сифат белгилари ҳисобланадилар.

Хўш, улар қандай келиб чиқадилар ва улар ўртасидаги боғланишлар қандай?

Ҳуқуқ субъектларининг биринчи томони – ҳуқуқ лаёқати тенгликни тақозо этади ва юзага келтиради. Масалан, беш ёшли фарзанд ва 30 ёшли ота муносабатини олайлик. Уларнинг мавжудлиги табиий – қонуниятли. Минимал ҳолатда олинганда ҳам улар яшаш ҳуқуқларига эга. Аммо ҳуқуқ субъектининг иккинчи томони – муомала лаёқати бўйича улар ўртасида катта фарқ бор. Ота бажарадиган меҳнат фаолияти турини беш ёшли фарзанд бажара олмайди. Отанинг беш ёшли ўз фарзандидан ўзи топаётган даромадни талаб қилиши ноқонуний. Шунинг учун ҳам муомала лаёқати ҳуқуқнинг навбатдаги сифат белгиси – адолатни тақозо этади. Иккинчи мисолни келтирайлик. Фермер ва пахта қабул қилиш пункти. Улар ҳам бир – бирига нисбатан кучли ва кучсиз муносабатда. Уларнинг мавжудлиги объектив тақозоланган, шартланган. Улар бир–бирларидан ўз функцияларини – муомала лаёқатини талаб қилишлари ғайриқонуний. Кучли кучсизни камситиши, таҳқирлаши ёки йўқ қилиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам муомала лаёқати адолатни тақозо этади. Адолат ҳуқуқ лаёқати тақозо этган муносабат–тенгликнинг тўлдирилиши, кафолатланиши ва расмийлаштирилишидир. Мана шу асосда ҳар қандай субъектлар – жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ваколатлари доирасидаги эркинликлари, яъни

³ Хрестоматия по философии. - Ростов - на Дону: “Феникс”, 2002. - С. 258.

хуқуқнинг учинчи сифати ҳам келиб чиқади⁴. Бу назарий хулосалар, ҳақиқатан, ватанпарварликнинг негизида инсон ва унинг бирликлари, жумладан, миллатнинг ҳуқуқлари, хусусан, эркинликка интилиш ётишини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ўз мустақил йўлини танлади. Аммо жаҳонда юз бераётган мафкуралар ўртасидаги низолар, портлатишлар, суиқасдлар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига таъсир этмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик эҳтиёжи нафақат мамлакатни ривожлантириш учун, балки шу билан бирга мустақилликни ҳимоя қилиш учун сақланиб ва такомиллашиб боради. Ватанпарварликка бўлган эҳтиёжлар ичида шундай махсус тури борки, у Ватан ҳимояси учун ҳарбий тизимга бўлган эҳтиёж ҳисобланади. “Кўпчилик,- дейди А.Очилдиев, - ватанпарварлик деганда, ҳарбий жасорат ва қаҳрамонликни тушунади. Бу ватанпарварликнинг бир кўриниши, холос”⁵. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида минтақавий можаролар, хусусан, Афғонистон ва Тожикистондаги, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жинойтчилик, маҳаллийчилик ва уруғ аймоқчилик муносабатлари ва экомуаммоларни мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар сифатида таҳлил қилган эди⁶. Бунда бу хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар, хусусан, диний экстремизм ва фундаметалимз, минтақавий можаролар, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик ва бошқа ички ва ташқи муносабатлар кескинлашуви ҳарбий қуролли кучлар тизимини ва ҳарбий ватанпарварликни тақозо этади. Ҳарбий ватанпарварликка бўлган эҳтиёж ва жараёнлар А.Ю.Қурбоновнинг “Ёшларни

⁴ Қаранг: Абдуҳолиқов С.О. Демократия ва фуқаролик жамияти диалектикаси. // “Конституция ва фуқаролик жамияти” мавзусидаги илмий – назарий конференция тезислари тўплами (2006 йил 25 ноябрь). – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. Б.4.

⁵ Очилдиев А. Миллий фазилатларимиз: ватанпарварлик.- Т.: “Мухаррир”, 2008. – Б. 30.

⁶ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 326б.

харбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни” (ижтимоий-фалсафий таҳлил) номли фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида баҳоли қудрат таҳлил этилган⁷.

Ватанпарварликнинг учинчи субстанционал компоненти ватанпарварликка оид эҳтиёж ва манфаатларни англаш, яъни ватанпарварлик онгидир. У Ватанпарварлик шаклланишининг биринчи босқичига тегишлидир. “Ватанпарварлик, - дейди В.В.Макаров,- ижтимоий онгнинг махсус формасини ташкил этмайди. Унинг сиёсий ва ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик мафкуралар билан ўзаро алоқадорлиги ҳар хил вариантларга эга. Қачон жамият шундай босқичда бўлса, қачон унинг ривожланишининг объектив тенденциялари халқ кучининг зўриқишини тақозо этса (экстремал ҳолат, қолоқликни бартараф этиш зарурлиги ва бошқалар) иш шу тарзда боради. Бундай шароитда ватанпарварлик ижтимоий онг шакллари ҳар қайсисининг оддий элементи бўлмайди. У бошқа ғоя ва қарашларни ўзига бўйсундирган даврнинг маънавий иқлимининг асосий мағзига айланади”⁸. Биз бу фикрга, уни совет мафкураси қобиғидан тозалаган ҳолда, қўшилаемиз. Ҳақиқатан, ватанпарварлик онги ижтимоий онгнинг алоҳида формасини ташкил этмайди. Чунки у ижтимоий онгнинг алоҳида формаси бўлиши учун ўзининг акс эттириш объектига, акс эттириш усулига ва категориал аппаратига эга бўлиши керак. У ижтимоий онгнинг барча шаклларида мавжуд, чунки фидойилик ва жасорат – ватанпарварлик ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тақозо қилинади. Аммо шундай вазиятлар бўладики, ватанпарварлик ижтимоий онгнинг барча шаклларига жўшқинлик бағишлайди, пафосга айланади. Ватанпарварлик эҳтиёжи, аввалом бор, миллий онгда англаб олинади.

⁷ Қурбонов Р.Ю. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни (ижтимоий-фалсафий таҳлил) Фалс. фан. ном....дисс. автореферати. – Т.; 2008.-25с.

⁸ Макаров В.В. Патриотизм как философская проблема. Автореф. дисс. ... докт. филос. наук. – М., 1990. – С. 27.

Миллий онг – бу ижтимоий онгнинг субъектларига кўра кўриниши бўлиб, миллий маънавий маданиятнинг ўзасидир. Миллий онг миллий, жумладан, унинг атрибутив хусусиятларидан бири – ватанпарварлик турмушнинг инъикосидир. Миллий онг миллат манфаати билан, миллат ўтмиши, бугуни ва истиқболи билан, миллат ҳаёти ва тараққиёти билан боғлиқ бўлган тасаввурлар, қарашлар, ғоялар, назариялар, идеаллар мажмуасидир. Миллий онгнинг шаклланиши мураккаб жараён. У миллий маданият, жумладан, миллий моддий маданиятнинг заминидагина шаклланиши, ривожланиши мумкин. Миллий маданият, жумладан, миллий хўжалик ва маънавий маданиятлари ривожланмаган, ватанпарварлик туйғулари заиф бўлган халқларда юксак миллий онг бўлиши амри маҳолдир.

Мустақил Ўзбекистонда соғлом муҳитни янада барқарорлаштириш, одамлар ўртасида барча муносабатларни адолат ва инсонпарварлик заминида ривожлантиришнинг асосий йўлларида бири - миллий онг, жумладан, ватанпарварликни ривожлантириш ва камол топтиришдир.

Етук миллий онг, жумладан, ватанпарварликнинг шаклланиши ва ривожланиши мустақил тараққиётимиз учун катта аҳамиятга эга. Гарчи миллий онг бир миллатга мансуб бўлган ҳар бир фуқаронинг ўз Ватани тарихи, аجدодлар қолдирган мерос, назарий билимлар ва амалий тажрибалари умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур ўрганиши ва ўзлаштириши, мамлакат имкониятлари ва миллий манфаатларини ўзи ҳос инъикосига оид тасаввурлари, тушунчалари ва билимларидан иборат бўлса ҳам, лекин истиқлол ва истиқбол йўлида хизмат қилиши учун бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатни, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳурмат қилишни ҳам ўзида ифодалаш лозим.

Миллий онги паст бўлган киши ҳақиқий ватанпарвар бўлолмайди. Ҳақиқий ватанпарвар бўлмоқ учун киши, аввало, ўз ҳалқи тарихи ва маданиятини чуқур англамоқ, ўз фаолиятини мамлакат ва миллат

манфаатлари билан боғламоқ керак. Миллий онгнинг моҳияти ва даражаси миллий маданият тараққиётининг даражаси билан боғлиқдир. Миллий онг айна вақтда миллий маънавий маданиятининг таркибий қисми, ўзаги. Демак, миллий онг миллий маданият, жумладан, иқтисодий маданиятнинг гноссологик асоси ҳисобланади. Бошқа маданиятлар таъсирида қолиб кетган, ўз Ватанининг тарихи ва истиқболига бефарқ қарайдиган кишиларда миллий онг ҳам заиф бўлади. Ҳар бир миллатнинг вакили фақат етук миллий онг таъсирида ўз ватанининг мустақиллиги ва келажакдаги тараққиёти йўлида фидойилик намуналарини кўрсата олади.

Миллий онг миллий худбинлик ёки калондимоғликнинг ифодаси эмас, улар бир-бирларидан тубдан фарқ қиладилар. Ҳар бир миллат маънавий камолотини бошқалардан ажратишга ҳаракат қилса, ўз тараққиёти имкониятларини ҳам чеклаб қўяди. Миллий онг, жумладан, ватанпарварлик хусусияти бошқа миллатларнинг ҳам кадр-қимматини, манфаатларини англаш, уларга ҳурмат ва эътибор билан қарашга ўрганиш демакдир. Миллатчилик, шовинизм, миллий калондимоғлик, худбинлик ҳеч вақт миллий онгнинг ифодаси бўлган эмас.

Миллий онгда миллий ва умуминсоний манфаатлар уйғунлиги акс этиши жаҳондаги барча халқлар тарихи ва тақдирининг бир-бири билан чамбарбас боғланганлигининг ифодасидир. Худди шу уйғунликда ватанпарварлик ва байналминалчиликнинг бир-бирини тақозо қилишларини кўрамиз. Бу боғлиқлик жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичида яна ҳам кўпроқ кўзга ташланмоқда. Ўзбекистоннинг истиқболи ўз имкониятларимизгагина эмас, балки бошқа халқлар, мамлакатлар билан дўстона ҳамкорлик ва алоқаларимиз ривожига ҳам боғлиқдир. Тожикистонда бўлаётган қонли воқеалар фақат қардош тожик халқининг миллий фожiasi эмас, балки қўшни мамлакатларнинг ҳам ривожига салбий таъсир этувчи бир омилдир. Бу: “Қўшнинг тинч, сен тинч”, деган ўзбек мақолининг мазмунида ҳам яққол ифодаланган. Шу сабабдан ҳам, мустақил Ўзбекистоннинг

истикболи ҳақида ўйлар эканмиз, қўшни мамлакатларда бўлаётган воқеаларга ҳам бефарқ қарай олмаймиз. «Агар миллий онг тўхтовсиз юксала бормаса, мустақилликнинг маънавий замини мустаҳкам бўлмайди. Миллий онг мустақилликка йўналиш беради, халқни яқдил қилади»⁹. Юксак сиёсий маданиятга эга бўлган, миллий онг, жумладан, ватанпарварлик туйғуси ривожланган, эътиқодидан қайтариш мумкин эмас. Халқнинг куч-қудрати унинг сонидан эмас, балки миллий онгнинг ўсганлиги сиёсий етуклигидадир.

Миллий руҳимиздаги миллий туйғуларимиз мажмуи миллий тасаввурларимиз, кайфиятимизда оддий онг сифатида ифодаланади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурида илмий асосланган бўлса, уни биз миллий ўз-ўзини англаш деб тушунамиз. Миллий маданият миллий онгга нисбатан мазмун жиҳатдан кенгдир. Миллий маданияти ривожланмаган, миллий бирлик, бирдамлик, ҳамдардлик туйғулари заиф бўлган халқларда миллий онг ҳам етарли ривожланган бўлиши мумкин эмас. Совет тузуми ҳукмронлиги даврида бирдамлик ғоялар билан суғорилган миллий онг ўсиши йўлида турли тўсиқлар қўйилган эди. Миллий онг юксалишини миллатчилик деб қоралаб келинди. Миллий маданиятлар тараққиётига тўсқинлик қилиш ҳам миллий онгни заифлаштиришга интилишдан бошқа нарса эмас эди. “Бизнинг жумҳуриятимизда мустақилликка маънавий асос бўла оладиган етук миллий онг ҳануз шаклланган эмас. Миллий бирлик, яқинлик, ҳамжиҳатлари кишиларимизда бор. Бу маънавият ҳозир бир қадар мустаҳкамланиб бормоқда. Лекин буни мен мустақилликка етарли замин бўладиган етук миллий онг деб айта олмайман, -деб ёзади академик Э.Ю.Юсупов. -Ўзбек халқининг миллий онги баъзи халқларнинг онги ва бирдамлигига нисбатан анча орқада қолиб кетган”¹⁰. Бунинг сабаби: миллатнинг қалбида, хусусиятида ёки миллий бирликка эришишига қодир эмаслигида эмас, ижтимоий ва миллий онгда туб ўзгаришлар амалга ошириши нихоятда

⁹ Туленов Ж., Юсупов К., Ғафуров З. Истиклол ва тараққиёт мафқураси: мақсад ва йўналишлар. -Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – Б. 36.

¹⁰ Юсупов Э.Ю. Истиклол шабадалари. -Т.: “Фан”, 1993. - Б. 92.

мураккаб, давомли, зиддиятли диалектик жараёндир. Ижтимоий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар инсон миясида анланган ҳолат акс этиб, унинг фаолиятига асос бўлгандагина тарихий тараққиётнинг муҳим омилига айланади.

Ижтимоий, миллий онг ўз-ўзидан, стихияли равишда ҳам ўзгариб бориши мумкин. Лекин инсон маънавиятини, онгини маълум мақсадлар йўлида йўналтириш учун унга таъсир этиш, хатто бошқариш ҳам зарур. Бу иш тараққиётга ижобий йўналиш беришига, уни маълум мақсадлар билан боғлашга хизмат қилади. Мана шундай вазиятларда инсон манфаатлари билан чуқур боғланган, жамият прогрессив тараққиётини илмий асосда белгилаб берадиган назариянинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлади.

Академик Э.Ю.Юсупов кўрсатиб ўтганидек, “Соғлом миллий онг ва миллий бирдамлик туйғуси бошқа миллатларни камситиш, ўз миллатинигина ҳимоя қилиш, улуғлашдан иборат бўлмайди. Ўз миллатини севган, ҳурмат қилган киши бошқа миллатларни ҳам ҳурмат қилмоғи керак”¹¹.

Ватанпарварликнинг тўртинчи субстанционал компоненти - ватанпарварлик онгининг узвий давоми сифатида ватанпарварликка оид қараш, тамойиллар, муассасалар яратиш кишиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ўз ичига олади. Ватанпарварликнинг бу тўртинчи субстанционал компоненти ватанпарварлик шаклланиши биринчи босқичининг сўнгги компонентидир. Ватанпарварликнинг назарий асосини “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” ташкил этади. Тенглик, адолат ва эркинлик, юрт тинчлиги ва табиатга оқилона муносабат соғлом авлод ва комил инсонни шакллантириш, миллийлик ва умуминсоний қадриятларга содиқлик ватанпарварликнинг тамойиллари ҳисобланади. Бу ҳақда учинчи бобда алоҳида фикр юритилади.

Ватанпарварликнинг ушбу назарий асослари ва тамойиллари ватанпарварлик тарбияси орқали амалга ошади. Ватанпарварлик тарбияси

¹¹ Юсупов Э.Ю. Истиқлол шабадалари. -Т.: “Фан”, 1993. – Б. 92.

икки йўналишда - тизимлаштирилган ҳолда ва тизимлаштирилмаган ҳолда амалга оширилади. Болалар боғчаси, бошланғич ва умумий ўрта мактаб, коллеж ва академик лицейлар, олий мактаб, армия, ҳуқуқ-тартибот органларида ватанпарварлик тарбияси тизимлаштирилган ҳолда олиб борилади. Оила, маҳалланинг, қишлоқ хўжалиги, санъат, хизмат кўрсатиш каби тизимларда ватанпарварлик тарбияси йўл- йўлакай намуна кучи билан, меҳр уйғотиш билан ва зарурий ҳолларда тушунтириш воситасида олиб борилади. Оммавий ахборот воситалари ватанпарварликка оид эшиттириш, кўрсатув, мақолалар чоп этиш ва иккала йўналишдаги кишилар онгида ватан хиссини шакллантиришда муҳим ўрин тутадилар.

Ватанпарварлик тарбияси ичида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси алоҳида ўринни эгаллайди. Собик СССРда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси коммунистик мафкурага бўйсунтирилган ҳолда олиб борилар эди. Бу ҳақда В.С.Васютиннинг куйидаги фикрларини келтириш ўринли деб ўйлаймиз: “Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси марксизм-ленинизм тамойилларига асосланган, армия ва халқнинг бирлигини мустаҳкамлаш, совет кишиларида ватанпарварлик, интернационалистик сифатларини шакллантириш, улар томонидан Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришда йўналтирилган тизимли тарбиявий ва ташкилотчилик ишини ўзида акс эттиради”¹².

Ҳозирги кунга келиб аҳвол бутунлай ўзгарди, собик СССР тарқаб кетди. Коммунистик мафкура ҳам ўзини окламасдан инқирозга учради. Миллат манфаатларини, мустақил мамлакатлар манфаатлари ифодаладиган ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига зарурият юзага келди. “Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси – дейди А.М.Қамбаров, - давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг ёшларда юксак ватанпарварлик онги ўз ватанига содиқлик хисси, фуқаролик бурчини бажаришга, унинг манфаатларини ҳимоя қилшга тайёргарликни шакллантириш бўйича режали,

¹²Васютин В.С. Военно-патриотические воспитание: теория и практика. – М.; “Воениздат”, 1984. – С. 62.

тизимли мақсадга йўналтирилган ва уйғунлашган фаолиятдир”¹³. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳам комплекс ёндашишни тақозо қиладиган жараён дир. Уни фақат Қуролли кучлар сафида олиб борилади, деб тушуниш нотўғри дир. Шун и таъкидлаб ўтиш жоизки, - деб ёзади тадқиқотчи Р.Ю.Қурбанов, - ҳарбий ватанпарварлик тарбияси шахс шаклланишидаги мураккаб жараён дир. Бу жараён аҳолининг барча ижтимоий ёш гуруҳларини камраб олади. Шунингдек, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг объектив омиллари ҳарбий ватанпарварлик тарбияси учун зарурий шарт-шароитларни яратса-да, улар тўла-тўқис кутилган натижаларга олиб келмайди. Шу маънода субъектив омиллар – давлат органлари, жамоат ташкилотлари, бошқа ижтимоий институтларнинг мақсадга қаратилган фаолияти ҳамда шахснинг ички кечинмалари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига объектив ва субъектив шарт-шароитлар йиғиндиси таъсир кўрсатади. Объектив шарт-шароитларга энг аввало, иқтисодий, сиёсий ва ғоявий-назарий асосларни киритиш керак”¹⁴. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳам баркамол авлодни тарбиялашнинг йўналишларидан биридир.

Шундай қилиб, ватанпарварлик шаклланишининг система ташкил этувчи тўртта субстанционал компонентлари – ватанпарварлик субъекти, ватанпарварликка бўлган эҳтиёж, ватанпарварлик онги ва ватанпарварликка оид яратувчилик, жумладан, ватанпарварлик тарбияси ватанпарварлик шаклланишининг биринчи босқичи ҳисобланади.

Ватанпарварликнинг бешинчи компоненти ватанпарварликка оид қараш, тамойилларни ижод қилиш ва ватанпарварлик тарбияси натижалари – ватанпарварликка оид қараш, тамойиллар ва ватанпарварлик эътиқодига эга кишилардир. Ватанпарварлик юзага келишининг бу бешинчи субстанционал

¹³ Қамбаров А.М. Актуальные проблемы духовно - нравственного и патриотического-воспитания молодежи на современном этапе // Проблемы духовно-нравственного и патриотического воспитания военнослужащих и пути их решения – Т. АВС РУ. 2001. – С. 5.

¹⁴ Қурбанов Р.Ю. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалс. фан. ном....дис. автореферати. – Т.; 2008. – Б. 11.

компоненти унинг шаклланишининг тўртинчи компоненти натижаси бўлиб, ўзига хос сифатга, бир бутунликка эга бўлганлиги учун ватанпарварлик шаклланишининг иккинчи босқичи ҳисобланади.

Ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар, ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг мавжудлиги ҳуқуқий ҳаёт соҳасида, биринчидан, тенглик, адолат ва эркинлик негизлари ижод қилинган ва юридик кучга киритилган қонун ва қонуности актларидир. Улар мамлакатимизнинг расмий ҳуқуқий тизими бўлиб, уларнинг негизида Ўзбекистон деб аталмиш она-юрт ва унинг аҳолисининг эҳтиёж ва манфаатлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, иккинчидан, кишиларнинг кўпчилигида ҳуқуқий ватанпарварлик тарбияси натижаси – фуқаролик туйғуси, ўзга миллатларга нисбатан бағрикенглик туйғуси шаклланган.

Ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар, ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг мавжудлиги сиёсий ҳаёт соҳасида давлатимизнинг она-юрт ва халқимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатини беришидир. Кишиларимизда эса давлатимизга ҳурмат ҳиссининг шаклланганлигидир. Қўшни Қозоғистон, Тожикистон ёки бошқа мамлакатларга борган ва қийинчиликларга дуч келган киши у мамлакатларда ўзини ярим фуқаро деб ҳис қилади, давлатимизнинг улкан ҳимоя таянчи эканлигини дилдан ҳис қилиб, тушуниб етади. Кишиларимизда юрт тинчлиги туйғусининг шаклланиши ҳам, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаб олишимизнинг амалга ошиши ҳам сиёсий ватанпарварлик тарбиясининг натижаларидир.

Ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар, ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг мавжудлиги хўжалик ҳаёти соҳасида мулкка эгаллик ҳисси, тадбиркорлик усул ва воситаларининг, ўз она-юрти, ўз халқи, ўз маҳалласи, ўз оиласи учун фидойи, тадбиркор кишилар шаклланганлиги билан, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг самарали ва сифатли бўлиши, юрт равнақи учун хизмат қилишини тушунган шахсларнинг шаклланганлигида

кўринади. “Ватан, – деган эди Ҳ.Пўлатов, - муқаддас қадрият. Тараққиёт Ватандан бошланади. У инсоннинг киндик қони тўкилган жой, инсонни ижтимоий етакчиликдан асровчи манзил, ҳар кимнинг бирлигини қадрловчи, ўз-ўзига сиёсий белгини ифодаловчи замин, маънавий камолот ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт саодат ўчоғидир”¹⁵.

Республикамиз ер ости ва устки бойликларига, ишлаб чиқаришни бошқаришга ўзимиз эга бўлганлигимизнинг ўзи ватанпарварликнинг кўринишларидир. Бу ҳолат айти вақтда сиёсий ватанпарварликнинг, мустақиллик учун курашнинг натижасидир.

Ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар, ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг мавжудлиги ахлоқий ҳаёт соҳасида маъсулиятни ҳис қилувчи виждонли шахснинг шаклланганлиги билан белгиланади. Виждон бу кишининг маъсулиятни ҳис қилиши, демакдир. Агар киши виждонсиз бўлса, маъсулиятсиз бўлса, садоқат бўлмайди. Демак, садоқат бўлмас экан, ватанпарварлик ҳам бўлмайди. “Виждоннинг буюк қудрати – дейди Цицерон, - гуноҳсизни ҳар қандай кўркувдан фориғ этгани ҳолда ва гуноҳкорнинг тасаввурида у ўзига лойиқ бўлган ҳамма жазоларни муттасил тиклагани ҳолда, икковини ҳам баравар ҳаяжонга солади”¹⁶. Виждон она-юрт манфаатини шахсий манфаатдан устун қўйишда, фидойи бўлишга ва жасорат кўрсатишга олиб боради. Ватанпарварлик айти вақтда ахлоқий онгнинг ҳам атрибутив хусусияти экан, у ахлоқий маъсулият – виждон ҳамдир. “Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги, - дейди И.А.Каримов, -бу қайта ўзгаришлар йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир... Кишиларимизнинг ватанпарварлиги ҳамма вақт сеvimли халқнинг шон-шарафи, кадр-қиммати, маданияти ва анъаналарига эҳтиёткорлик билан муносабатда ўз ифодасини

¹⁵ Қаранг: Пўлатов Ҳ. Мустақиллигимиз қадриятлари // Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б. 76.

¹⁶ Варонцов В.С Тафаккур гулшани.-Т.: Ғофур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1981. - Б. 347.

топиб келди. Баъзида ҳаётда қийин вазиятлар бўлади, баъзан адолатсизлик ва ранж-алам эзади, лекин жаҳл устида она Ватанни, ватандошларни ҳақорат қилиш – бу бориб турган шаккокликдир. Буни халқ асло кечирмайди”¹⁷. Ўзбекистон деб аталмиш она-юртимиз мустақил – озод бўлганидан сўнг 18 йил мобайнида аста-секинлик билан оёққа турди. “74 йил мобайнида, - дейди юртбошимиз И.А.Каримов, - Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ Иттифоқ кўлида эди. Собиқ Иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана, биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40-50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улиш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин биз йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик.

Бугун очиқ айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узулиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик”¹⁸. Бу фикрларни келтиришдан мақсад, мустақиллик давридан бошлаб узилишлар туфайли қатор муаммолар ҳам юзага келди. Аммо юқорида келтирилган ғалла муаммосини ҳал қилишнинг ўзиёқ мамлакатимизда ахлоқий маъсулиятли, ватанпарвар кишилар мавжудлигини билдирмайдими?! Бу ҳолат асрлар давомида шаклланган миллий кадриятларимизнинг натижаси эмасми?! Ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг мавжудлиги она-юрт туйғусини оилада, мактабда, маҳалла, меҳнат жамоаларида тарбиялаш натижасидир. Бу натижа мустақилликни қўлга киритишга ва мамлакатимизнинг муаммоларини ҳал қилишга олиб

¹⁷ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – Б. 76.

¹⁸ Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммо ва режалар // Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 3.

келди. Мустақиллик, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, юртбошимиз И.А. Каримовнинг ватанпарварлиги натижасидир.

Ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар, ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг мавжудлиги эстетик ҳаёт соҳасида миллий ифтихор ғурурланиш ва завқланиш ҳис туйғусига эга шахсларнинг шаклланганлиги билан белгиланади. Бундай кишиларни тарбиялашда эстетик маданиятнинг юқори нуқтаси – санъатнинг роли ниҳоятда катта. Миллий ғурур-ифтихорсиз кишидан том маънодаги она-юрт учун фидойиликни кутиш қийиндир. “Ифтихор” сўзи арабчадан “1. Шон-шараф ҳисси; фикр. 2. Шон-шараф келтирувчи, фахрланса арзийдиган иш, кимса ёки нарса”,¹⁹- деган маънони англатади. “Ғурур” эса арабчадан: “1. Инсоннинг ўз кадр-кимматини билиш, уни хурмат қилиш ҳисси; иззат-нафс. 2. Инсоннинг бирор нарсадан мамнун бўлиб, фахрланиш ҳисси; фахр, ифтихор. 3. Фахрланишга асос бўладиган нарса, кимса ва ш.к. 4. Ўзини бошқалардан юқори қўйиш, кибр, ҳаво”,²⁰ деган маъноларни ифодалайди. Демак, “милий-ғурур миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган доимий ички руҳий кўтаринкилик. У ўз онг замини, авлод-аждодлари тамонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган улушларидан, ўзга миллатлар олдидаги кадр-киммати, обрӯ-эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидан иборат. Миллий ғурур ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос ички руҳий туйғудир”²¹. Миллий ғурурга эга киши, миллий ютуқлардан фахрлана оладиган киши улардан завқлана олади ҳам. Миллий завқланиш ҳам эстетик тарбиянинг, жумладан, унинг бир қирраси – ватанпарварлик тарбиясининг натижасидир. Миллий завқланиш ҳам “субъектнинг объект бағрида” эриб кетиши”, ... инсоннинг умумий, доимо ижобий бўлган сезги ҳолати, яъни унинг нарсалардан, воқеа ва ҳодисалардан эстетик таъсирланишидир”²².

¹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том.-М.: “Рус тили нашриёти”, 1981.-Б.340

²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том.-М.: “Рус тили нашриёти”, 1981.-Б.666

²¹ Мустақиллик: Изоҳли илмий оммабоп луғат.- Т.: “Шарқ”, -2006. –Б.236.

²² Умаров Э. Эстетика.-Т.: “Ўзбекистон”, 1995.-Б.87.

Демак, миллий ифтихор ва завқланиш фазилатларига эга бўлган шахс эстетик тарбия, жумладан, унинг бир қирраси – ватанпарварлик тарбиясининг натижасидир.

Ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар, ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг мавжудлиги диний ҳаёт соҳасида иймонли шахсларнинг шаклланганлиги билан изоҳланади. Қуръони Каримда ҳам Ватан туйғусида: “Хуббул Ватан” (яъни “Ватанни севмоқ иймондандур”) дейилгандир. Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динида, “иймон” тушунчасидан кейин “Ватан” тушунчаси туради. Айтишларича, Муҳаммад алайҳи вассаллам ислом, иймонни сақлаб қолиш учун Мадинаи мунавварага хижрат қилган бўлсалар ҳам, ўз киндик қони тўкилган Маккаи мукаррама ўз ватанларини тез – тез соғиниб турганликлари, ҳатто, аввал Байт-ул муқаддас қибла бўлганда ҳам, қалбдан она-юртлари Маккаи мукаррама томон бурилиб, шу ҳақда илоҳий аср тушиб қолармикан, деб осмонга юзланганлар²³. Демак, “Ватан” оддий кишигина учун эмас, пайғамбаримиз учун ҳам муқаддас ҳисобланган. Иймонли инсон она-юртни, она халқини ҳам Худонинг инъоми деб қабул қилади. Унинг учун Ватандан юз ўгириш Худодан юз ўгириш билан тенглаштирилади. Иймонли инсон ҳам тарбиянинг маҳсулидир. Аммо иймонли инсонни Ватанга хиёнат қилувчи, фойда кетидан қувувчи, ҳокимият талашувчи диний экстремизм оқимиға мансуб кишилардан фарқ қилмоқ керак. Чунки экстремистда иймонлилик, муқаддаслик туйғуси бўлмайди. Агар уларда бу фазилатлар бўлганида ҳеч вақт кишиларнинг қони тўкилишига изм бермаган ва бу қотилликларни амалга оширмаган бўлар эди.

Ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар, ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг экоҳаёт соҳасида мавжудлиги она табиатга оқилона муносабатда бўлувчи кишиларнинг шаклланганлиги билан аниқланади. Бу соҳада она - табиатни эъзозловчи халқ донишмандчилиги, урф-одатлари, жисмоний, тарбия турлари, назарий концепциялар ҳам

²³ Ўзбекистон. “Ватан” серияси. Т.: 1992. – Б. 4.

шаклланган²⁴. Улар экология соҳасидаги ижодкорлик ва экотарбиянинг натижаларидир.

Ватанпарварликка оид қараш ва тамойиллар, ватанпарварлик эътиқодига эга кишиларнинг шаклланганлигини дунёқараши ўзгарганлигига қараб ҳам билса бўлади. Бугунги кунда “...фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва кадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аجدодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий ва миллий кадриятлар билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир. Биз учун умуминсоний ва миллий кадриятлар ёшларимизда ватанпарварлик руҳини шакллантиришда устивор вазифадир”²⁵. Шунини мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, қисқа муддат мобайнида юртдошларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг дунёқарашида кескин ўзгаришлар рўй бериб, эски фалсафий мафкуранинг моҳиятини тушуна бориб, истиқлол берган имкониятлар туфайли уларнинг Ватанга, она заминга меҳрли муносабатлари кучли шаклланиб борапти.

Ватанпарварлик туйғуси ва эътиқоди туғма, ирсий ҳосил бўлмайти, балки у маълум ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий шарт-шароитда, таълим-тарбия, ўқиш-ўқитиш ишлари натижасида, маълум усуллар ва йўллар асосида ҳосил қилинадиган маънавий фазилат, маънавий неъматдир. Тарихий тараққиётнинг муҳим бурилиш паллаларида ватанпарварликнинг ижтимоий тараққиётга таъсири анча кучли ва ёрқин намоён бўлади. Ана шундай маъсулиятли даврларда мамлакат ва миллат тақдири фуқароларнинг Ватан, халқ, истиқлол ва истиқбол олдидаги ўз бурчи ва маъсулиятларини қанчалик тўғри ва тўла тасаввур қилишлари ҳамда бу йўлдаги фидокорона меҳнатларига боғлиқ бўлади. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга

²⁴ Қаранг: Маматқулов Р.П. Ўзбек халқи ахлоқий кадриятларида табиатга оқилона муносабат ва унинг хозирги кундаги аҳамияти. Фал. фан. ном.... десс. автореферати. – Т.: 2006. – Б. 26.

²⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: “Ўзбекистон”. 1993. – Б. 74.

оширилаётган миллий тикланиш, миллий ўйғониш ва покланиш жараёнларининг амалга ошиши фуқароларимизнинг ватанпарварлик эътиқодининг қай даражада эканлигига боғлиқ бўлмоқда. Шу сабабли, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, таълим-тарбия, ўқиш-ўқитиш ишлари олдида турган муҳим, улуғвор, буюк маъсулиятли вазифа бўлиб турибди.

Ватанпарварликнинг олтинчи субстанционал компоненти ватанпарварликка оид эътиқоднинг кишилар хатти-ҳаракатларида намоён бўлишларидир. Ватанпарварлик юзага келишининг бу олтинчи субстанционал компоненти унинг шаклланишининг учинчи босқичи – тугалловчи босқичи ҳисобланади.

Агар Ватан – она-юрт ва халқига содиқлик ватанпарварликнинг моҳияти бўлса, Ватанга муҳаббат унинг мазмуни, фидойилик ва жасорат эса унинг шакли ва фидойилик ва жасоратнинг индивидуал намоён бўлишлари унинг ҳодисалилигини англатади.

1.2. Akademik litsey va kollejlarda harbiy vatanparvarlik ishlarini rivojlantirish buyruqlari.

1. О'қувчи – yoshlarning chaqiriqqacha bo'lgan tayyorgarligini o'tash haftalik rejasi.
2. Harbiy xona oylik ishlari rejasi (darsdan tashqari o'tkaziladigan tadbirlar rejasi)
3. Mashg'ulot o'tkazish rejasi (reja - konspekt)
4. Siyosiy, harbiy, pedagogic bilimlarni oshirish, harbiy o'qtuvchi uslubiy ko'nikmalarini shakillantirishning o'quv yiliga mo'ljallangan shaxsiy rejasi.
5. O'quv muassasida chaqiriqqacha tayyorgarlik fani bo'yicha moddiy o'quv bazasini takomillashtirish rejasi.
6. O'quv muassasasi va homiy harbiy qism bilan o'quvchilarning harbiy vatanparvarlik tarbiyasi bo'yicha hamkorlikda o'tkaziladigan o'quv yiliga mo'ljallangan tadbirlar rejasi.

7. O'quv yiliga mo'ljallangan chaqiriqqacha tayyorgarlik fanining moddiy o'quv bazasini takomillashtirish rejasi.
8. Chaqiriqqacha tayyorgarlik bo'yicha o'quv – uslubiy komissiya, jismoniy tarbiya va tibbiy bilimlar asoslarining ish rejalari.
9. Bitiruvchi guruh o'quvchi – yoshlari bilan dala mashg'ulot (yig'in)lariga tayyorgarlik va o'tkazish rejasi.
10. O'quv muassasasida harbiy – sport bayramini o'tkazishga tayyorgarlik rejasi.
11. Harbiy ish asoslari, harbiy – amaliy sport turlari bo'yicha to'garaklar va sektsiyalar ishi rejasi.
12. Harbiy o'quv muassasasiga nomzodlarni tanlash bo'yicha ish rejasi.

Harbiy o'quv muassasasi buyruqlari quydagi tartibda chiqariladi.

1. O'quv yiliga chaqiriqqacha tayyorgarlik mashg'ulotini tashkil etish haqida.
2. Kichik kalibirli miltiqdan otishni o'tkazish to'g'risida.
3. O'quvchi – yoshlar bilan dala – o'quv mashg'uloti (yigin) o'tkazish to'g'risida.
4. O'quvchi – yoshlarning YoCHT dasturi bo'yicha ta'limni tugatish bo'yicha.

II BOB Xalqaro tajribalarda yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashning pedagogik asoslari va ularni O'zbekiston sharoitidagi ahamiyati

2.1 Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda xalqaro tajribalarning o'rni va dolzarbligi.

Ватанпарварликнинг амал қилишининг цивилизациялар ва унинг таркибий қисмларига боғлиқлиги қонунияти

Ватанпарварликнинг цивилизациялар ва унинг таркибий қисмларига боғлиқлиги қонунияти

Илмий адабиётларда баъзан «цивильное право» сўзини ўқиб қоламиз. У - фуқаролик ҳуқуқи демакдир. «Цивилизация» сўзи лотинчадан фуқароликка оид, давлатга оид деган маъноларни англатади. Ҳақиқатан, фуқаролик ва давлатчилик бир-бирини тақозо қилади. Давлатчилик бор ҳудудда фуқароликни белгилаш мумкин. Ва аксинча, фуқаролар ва фуқаролик мавжуд жойда давлатчиликни шакллантириш мумкин. Шунинг учун ҳам цивилизация жамият ядроси - маданий борлиқнинг муайян тарихий макон ва замонда мавжуд бўлган алоҳида жамият - мамлакат кўринишида ишлатилади²⁶. Бунда фуқаролар маданий борлиқнинг таркибий қисми ва социал асоси – субъекти ҳисобланади. Давлат ҳокимияти эса маданий борлиқнинг яна бир таркибий қисми – сиёсий маданиятнинг компонентларидандир. Аммо илмий адабиётларда цивилизация маданият, яъни маданий мавжудлик - борлиқ билан тенглаштирилади. Масалан, инглиз олими А.Тойнби фикрича, «цивилизациянинг моҳияти, руҳиятини маданий омиллар ташкил этади»²⁷. Немис олими О.Шпенглернинг «Европанинг таназзули» номли асарига цивилизацияни локал, яъни маълум жой билан чегараланган маданиятлар ривожланишидаги босқич ва унинг таназзули маъносида ишлатди. Л.Морган, Ф.Энгельс ва А.Тоффлерлар асарларида кишилик тарихининг ёввойилиқдан кейинги босқичи маъносида эътироф этилган²⁸. Шунингдек, цивилизация тушунчаси илмий адабиётларда муайян ҳудуддаги муайян этник бирликнинг ривожланиши маъносида ҳам ишлатилган. Бунда Америка қитъасидаги Мексика ҳудудидаги ирқлар цивилизациясини мисол қилиб келтириш мумкин. Демак, илмий адабиётларда «цивилизация» тушунчаси ҳар хил аспектларда қўлланилган. Биз эса цивилизация тушунчасини мамлакат, яъни муайян системага эга маданий борлиқ томонидан белгиланадиган фуқаролик жамияти маъносида ишлатдик. Цивилизацияларни мана шу тартибда – муайян тарихий макон ва

²⁶ Қаранг: Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – С. 514.

²⁷ Воҳидов Ҳ.Ф. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш методологияси. // Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т., 2003. – Б. 8.

²⁸ Қаранг: Крапивенский С.Э. Социальная философия: Учебник для вузов. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998. – С. 164.

замонда мавжуд ўз фуқаролари ва давлатига эга мамлакат маъносида тушуниш унинг ўзига хос бир бутунлигини ва ундаги ватанпарварлик каби ходисаларнинг тарихийлигини билишга имкон беради. И.А.Каримов асарларида ҳам цивилизация тушунчасининг худди шундай мазмунда ишлатилганлигини кўрамиз. «Улкан маданий мерос маскани бўлган заминимизда кўпдан-кўп мустақил цивилизациялар ўз қадриятларини авлоддан-авлодга ўтказиб, замонларнинг чамбарчас алоқасини, маънавий ва маданий қадриятлар давомийлигини вужудга келтиради»²⁹. Шу борада И.А.Каримов томонидан ижтимоий формация тушунчасининг қандай маънода ишлатилганлигига эътибор берайлик. «Тарих сабоғи шундаки, - дейди у, - унинг айнан кескин бурилишларида, ижтимоий формациялар алмашилаётганда ижтимоий муаммолар ва зиддиятлар ғоят кескинлашади, миллий хавфсизликка, фуқаролар тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солувчи омилга айтилади»³⁰. Маълумки, «ижтимоий-иқтисодий формация» терминини илмий муомилага К.Маркс киритган³¹. Бу тушуниш, яъни тарихни материалистик тушуниш бўйича ижтимоий формациянинг негизини моддий неъматларни ишлаб чиқариш усули ташкил этади. Юртбошимиз асарида эса «ижтимоий-иқтисодий формация» сўзи эмас, балки «ижтимоий формация» термини ишлатилган. Формация ижтимоий муносабатларнинг муайян типи, яъни формаси дегани. Кишилиқ тарихида ҳақиқатдан ҳам ижтимоий муносабатларнинг ибтидоий, қулдорлик ва ундан кейинги формалари мавжуд бўлиб келди. «Агарда кимдир, - дейди И.А.Каримов, - ижтимоий тараққиётнинг навбатдаги босқичини босиб ўтмасдан, ундан кейинги босқичга, айтайлик, қулдорлик тизимидан бирданига ривожланган капитализмга ўтиб кетиш мумкин, деб ўйласа, қаттиқ адашади»³². Демак, жамият ўз ривожланишининг формациясига эга бўлиб, у алоҳида-алоҳида

²⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1995.- Б. 144.

³⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.-Б. 211.

³¹ Маркс К. Сиёсий иқтисод танқидига доир. Сўз боши // К.Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар. 1-том.- Т.: «Ўзбекистон», 1980. – Б. 557.

³² Каримов И.А. Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмайди. 13-жилд. 331-б.

ҳолидаги цивилизациялар - мамлакатлардан иборат. Жамиятнинг ядросини маданий борлиқ ташкил этар экан, ундаги хусусийлик ва алоҳидалиқ типлари жамиятнинг форма(формация)ларини ва алоҳида, конкрет, реал цивилизациялар, яъни маданий борлиқнинг муайян тарихий макон ва замондаги типлари, жумладан, ўз фуқароларига эга мамлакатларни келтириб чиқарадилар.

Марказий Осиёда эрамиздан олдинги VI асрга қадар Қадимги Хоразм, Бактрия ва Сўғд мамлакатлари - цивилизациялари мавжуд бўлган. Улардан олдинги цивилизациялар, масалан, Тур ёки Афросиёб мамлакатлари бўлганлиги баҳсли масаладир. Юртимизда эрамиздан олдинги VI асрлардан IV аср ярмигача Аҳмонийлар мустамлакачилиги мамлакати мавжуд бўлди. Бу даврда Ватан учун курашиб жасорат кўрсатган Тўмарис, Широқ каби аجدодларимиз номларини барчамиз биламиз.

Эрамиздан олдинги IV асрнинг иккинчи ярмидан III аср ўрталаригача Салавкийлар давлати, у ҳам сўнгра иккига бўлиниб, Парфия ва Юнон-Бактрия мамлакатлари юзага келганлигини кўрамиз. Эрамиздан олдинги II асрдан бошлаб Давань давлати, III аср бошларидан Қанғ давлати, эрамизнинг I-IV асрларида Кушон давлати мавжуд бўлганлигини кўрамиз. Бу санаб ўтилган давлатлар Марказий Осиёдаги қадимги давр мамлакатлари - цивилизацияларидир.

Эфталитлар, Турк ҳоқонлиги, Араб халифалиги мустамлакаси-Моварауннаҳр ўлкаси, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Чигатой улуси, Темурийлар, Шайбонийхон ва Аштархонийлар давлатлари Марказий Осиёдаги ўрта асрлар цивилизацияларини ташкил этади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳудудимизда Чор самодержавияси мустамлакачилиги ўлкаси - Туркистон генерал-губернаторлиги ва кейинчалик унинг ўрнига мустамлака ўлка - Ўзбекистон ССР қарор топди. 1991 йил 31 августдан бошлаб мустақил мамлакат - Ўзбекистон Республикаси вужудга келди. Хўш, айтингчи, аجدодларимиз, ота-

боболаримиз, онахонларимиз фидойилиги ва жасорат-ватанпарварлиги ҳар бир мамлакат-цивилизация, уларнинг озодлиги ёки гуллаб-яшнаши мақсадида ўзгармаган-ми? Албатта, ўзгарган. Кунини кеча совет ватанпарварлиги руҳида қанчадан- қанча кишиларимиз фидокорона меҳнат қилишди ва жанг чоғида жонларини фидо қилдилар. Бугунги кунга келиб совет цивилизацияси барҳам топди, унинг ўрнига мустақил Ўзбекистон цивилизацияси ўрнатилди. Бизнинг ватанпарварлигимиз, авваломбор, ушбу мамлакат цивилизациясини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш билан боғланади. Бизнинг ватанпарварлигимиз, иккинчидан кўшни қардош халқлар тинчлигига дахлдор тарзда ўзини кўрсатмоқда. Тарихда, ватанпарварликнинг юқори нуқтаси – кўплаб жасоратлар юз берди. Бу жасоратлар ўз туғилиб ўсган ва яшаб истиқомат қилаётган мамлакатлар озодлиги ва ҳимояси учун ёки унинг гуллаб-яшнаши учун олиб борилган. Мамлакат нафақат ҳудуд, балки шу билан бирга шу ҳудуд эгаси –халқларни ҳам ўз ичига олади. Демак, ватанпарварлик муайян цивилизацияларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ватанпарварликнинг цивилизацияларга боғлиқлиги қонуниятли жараён дир. У қонуниятли жараён экан, у оддий боғланиш эмас, турғун, зарурий бошқа боғланишларни ва тенденцияларни белгилаб берадиган боғланиш – боғлиқлик дир. Ватанпарварлик муайян эътиқод ва шу асосда фаолият эркинлиги экан, у мамлакат цивилизация бағрида юз беради. Индивид ватанпарварлигининг она юрти – Ватанига, она халқига боғлиқлиги қонуниятли функционал, яъни амал қилиш қонуниятларига киради. «Социал бирлашмаларнинг, - дейди В.Д.Панков, - ўзаро алоқадорлик зонаси мамлакат ташкил топишининг маркази - унинг базасида туради. Ўз-ўзини англашнинг ривожланиши билан мамлакатнинг тақдири учун маъсулиятни тақозо этувчи фуқаро шахсни туғдирадиган, ватанпарварликдан ажралмаган ҳолда бирдамлик сифатидаги умумий ҳаётнинг янги формаси- мамлакат юзага келади.

Мамлакатга оид сезгининг келиб чиқиши табиатда илгаридан мавжуд у ёки бу ландшафт, ҳозирги ватанпарварлик ҳиссиётини юзага келтиради, мамлакат симболи сифатида қабул қилинади»³³.

Ҳар бир мамлакат ўзига хос цивилизация сифатида ўз маданий борлиғи, жумладан, унинг субъекти - фуқаро – халқига, моддий маданияти, сиёсий-ҳуқуқий маданиятлари ва маънавий маданияти тизимига эга. Юқорида кўрганимиздек, маданий борлиқнинг яратувчиси - халқ этногенез ҳиссини, қондошлик бирлигини, аҳиллик ҳиссини уйғотади. Шу ҳолатнинг ўзиёқ ватанпарварликнинг ўз социал асосига боғлиқлигини кўрсатади. Мамлакат ядроси - маданий борлиқнинг навбатдаги таркибий қисми-моддий маданият - компонентлари хўжалик, жумладан, технологик ва иқтисодий эҳтиёжлар ва экоэҳтиёжлар технологик, иқтисодий ва экоонларни шакллантирар экан, ватанпарварлик уларнинг атрибутив хусусиятлари сифатида бу эҳтиёжларга ҳам боғлиқ бўлган ҳолда намоён бўлади. «Она юрт, - дейди В.В.Макаров, - ўзида ижтимоий ва табиий омилларнинг бирлигини ифодалайди. Она юрт ижтимоий экологик тузилма экан, у нафақат махсус эмоционал турғунликка эга «она-ер» деган ҳиссиёт сифатидаги шундай ватанпарварлик онги компонентини юзага келтирар экан, балки шу билан бирга табиий муҳитга реал хавф муайян она-юртнинг ўзининг омон қолиши туйғайли ватанпарварлик муносабати билан боғланган социал ҳиссиётларнинг барча комплексини туғдиради»³⁴.

Мамлакат ядроси – миллий маданий борлиқ, шунингдек, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлардан иборат экан, уларнинг компонентларидан сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёжлар ҳам сиёсий ва ҳуқуқий онларни ватанпарварлик туйғуси билан қоришилган ҳолда юзага келтиради. Демак, ватанпарварлик сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёжларга ҳам боғлиқ ҳолда амал қилади. Чунки Ватан туйғуси

³³ Панков В.Д. Страна как звено исторического процесса. Авториф. дисс...канд. филос. наук.-Ростов-на-Дону, 1990. -С. 16-17

³⁴ Макаров В.В Патриотизм как философская проблема. Автореф. дисс...док. филос. наук. – М., 1990. -С. 11.

айни вақтда давлатчилик билан, адолат тамойиллари билан, уларни мустақкамлаш ва ҳимоя қилиш билан боғланган.

Ватанпарварлик туйғуси, биринчидан, барча соҳаларда фаолият турлари билан боғлиқ ҳолда юз берса, унинг таркибий қисми- ҳарбий ватанпарварлик ғоя, махсус режалар асосида амалга ошади³⁵. Кейинги махсус соҳа бўйича эса, спорт ишлари, ҳарбий хизматчиларда жанговарлик салоҳиятини юксалтириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича муайян ишлар амалга оширилган³⁶. Шунингдек, бу ишлар ҳарбийларга тиббий – санитария ёрдами кўрсатиш ишлари билан олиб борилган³⁷.

Ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида «тарбиячиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш, ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш»³⁸да «Соғлом авлод», «Камолот», «Умид», «Улуғбек», «Олтин мерос», «Амир Темур», «Имом ал - Бухорий», «Исътедод», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳам ўз ўринлари бор.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти ахлоқий, эстетик, диний ва илмий соҳалар, таълим - тарбия ва оммавий ахборот тизимларидан иборат. Маънавий ҳаётнинг бу тармоқларида доминант ролини инсон онги эгаллайди, чунки бу ҳаёт соҳаларида асосий эътибор ахлоқий, эстетик, диний, илмий ва бошқа онг шаклларига таъсир қилишга, ишлов беришга қаратилади. Бунга шахс онгининг такомиллашиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ундан кутиладиган натижалар асосий ўрин эгаллайди. «Маънавий» сўзи арабчадан “1. Кишиларнинг ички, руҳий ҳаётига оид. ... 2. айн. ахлоқий...”³⁹ маъноларини беради. «Маънавият» сўзининг этимологик маъносидан кўриниб турибдики, у кенг ва тор маъноларда ишлатилган.

³⁵ Лутовинов В.И. Соотношение подготовки и готовности молодёжи к защите социалистического общества (философско-социологический анализ) Автореф. дис. ... канд. филос. наук. - М. 1990. -С. 12.

³⁶ Раматов Ж., Иноятов. И. Миллий давлат ривожига қуролли кучларнинг ўрни. Ўзбекистонда миллий давлатчилик назариясининг тарихий- фалсафий ва ҳуқуқий асослари. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ. 2005. -Б. 91-92.

³⁷ Умарова Н. Фуқаро тарбияга муҳтожми? // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, №4. -2003. -Б. 6.

³⁸ Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: «Шарқ», 2001. - Б. 125.

³⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. – М.: «Рус тили нашриёти», 1981. - Б. 454.

Биринчидан, бу тушунча кенг маънода кишининг руҳияти билан тенглаштирилган. Инсон онги эса киши руҳиятининг ўзак қисмини ташкил этади. Иккинчидан, бу тушунча тор маънода кишининг ахлоқий қиёфаси, яъни ахлоқий онги ва унга риоя қилиши даражасида тушунилади. Демак, инсон маънавияти шакллари ичида ахлоқий онг асосий ва биринчи ўринни эгаллайди. Аммо бунда «маънавий» сўзи билан «ҳаёт» сўзининг қўшилиши жамиятнинг бу соҳасининг ҳам ўзига хос йўсинга эга эканлигидан далолат беради. «Ҳаёт» сўзи арабчадан социологик маънода «3. Киши ва жамиятнинг фаолияти ва яшаш йўсини; турмуш, тирикчилик»⁴⁰ маъноларини ҳам беради. Маънавий ҳаёт жамиятнинг асосий соҳаларидан бири бўлиб, у ҳам ўзига хос йўсинга эга. Демак, жамиятнинг маънавий ҳаёти жамиятнинг социал, моддий, сиёсий ва ҳуқуқий ҳаёт соҳалари тизимида тенг мақомни эгаллаган ўзига хос қонуният ва жараёнларга эга таркибий қисм. Агар маънавий ҳаётга ҳам тарихни диалектик маданий тушуниш бўйича қаралса, биринчидан, маънавий маданият маънавий ҳаётнинг инсон томонидан ишлов бериб яратилган қисми бўлиб чиқади. Иккинчидан, маънавий маданият жамият асоси ҳисобланмиш маданий борлиқнинг таркибий қисми сифатида амал қилинаётгани маълум бўлади. Учинчидан, маънавий маданият жамиятнинг ядроси - маданий борлиқнинг барча томонлари - социал асоси, моддий маданият, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар, маънавий маданиятимиз, хусусан, унинг ўзак қисми-инсон онгисиз юз бермаслиги аён бўлиб қолади. Ижтимоий ҳодисаларни маданий ва маданий бўлмаган қисмларга, яъни бирламчи ва иккиламчи ижтимоий ҳодисаларга ажратиш ижтимоий ҳодисаларнинг бир қисми - маънавий ҳаёт жараёнларига ҳам тегишлидир. Бунда шахс маънавий маданият ва жамият маънавий маданиятларининг фарқи ва бирликларини чалкаштирмаслик лозим. Шахс маънавий маданияти шахснинг маънавий қиёфаси, билимлари ва унга таянган ҳолдаги хатти-ҳаракатларидир. Жамият маънавий маданияти эса бундан ташқари, барча кишилар ҳисобга олиши

⁴⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. -М.: «Рус тили нашриёти», 1981.- Б. 672.

зарур, мажбурий бўлган процедураларни ҳам, маънавий маданият соҳасига тегишли муассасаларни ҳам ўз ичига олади.

Жамият маънавий ҳаётининг марказий, асосий ва ўзак қисми – маънавий маданият ахлоқий маданият, эстетик маданият, диний маданият, илмий маданият, таълим – тарбия ва оммавий ахборот воситалари тизимларидан иборат. Юқорида кўрганимиздек, уларнинг марказий қисмини инсон онги ташкил этади.

Ватанпарварлик она юрт, ўз халқига эътиқод ва иродавий хатти-ҳаракат бирлиги сифатида маънавий маданиятнинг барча тармоқларининг субстанционал ва функционал қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда ҳам тақозо қилинади ва амал қилади. А.К.Уледовнинг «Жамиятнинг маънавий ҳаёти» номли монографиясида жамиятнинг маънавий ҳаёти структураси, унинг маданий қисм ва қисмларга бўлинмаганлиги аниқланмаган бўлса-да, муфассал берилган⁴¹. Аммо маънавий маданиятнинг система ташкил этувчи субстанционал элементларини ички алоқадорликдан келиб чиқувчи субстанционал қонуниятлари С.Абдухолиқовнинг «Виждон эркинлиги: методология муаммолари» (-Т.: “Фан”, 1997) номли монографиясида илк бора ўрганилган. Аммо собиқ Иттифок ҳудудидаги социализмдан кейинги даврларда нашр этилган баъзи адабиётларда, юқорида кўрсатилган структуравий ва субстанционал таҳлиллар учрамайди. Бу таҳлилларсиз ватанпарварликнинг маънавий маданият турлари билан боғлиқ ҳолдаги амал қилиш қонуниятларини ойдинлаштириб бўлмайди. Жумладан, Р.Р.Назаров «жамиятнинг маънавий ҳаёти – бу маънавий ишлаб чиқариш бирлиги сифатида жараён ва унинг натижаларидир. У ўз ичига саноат, ахлоқ, фан, ҳуқуқий ва сиёсий онг, дин, фалсафани қамраб олади. Бу барча ижтимоий феноменлар маънавий соҳанинг элементлари сифатида (айниқса, унинг системаси сифатида) қаралиши мумкин»⁴². Ушбу тавсифда маънавий ҳаёт

⁴¹ Уледов А.К. Духовная жизнь общества.- М.: «Мысль», 1980. – С. 271.

⁴² Назаров Р.Р. Духовная сфера. Основы философии.-Т.: «Ўзбекистон», 1998. - С. 347-348.

ижтимоий онг шакллари билан айнанлаштирилган. Маънавий ишлаб чиқариш эса маънавий ҳаётнинг яшаш усулини ташкил этади. У маънавий маданиятнинг тўртинчи субстанционал элементи, холос. Маънавий маданиятнинг бошқа субстанционал элементлари ва қонунлари ва сўнгра уларнинг маънавий маданият тармоқлари бўйича кўринишларни ойдинлаштиришга ўрин қолмаган. Бусиз ватанпарварликнинг амал қилиш қонуниятларини тўлиқ баён қилиб бўлмайди. Жамиятнинг маънавий ҳаётига алоҳида ҳолига структуравий ва субстанционал ёндо шиш К.Х.Момджяннинг «Ижтимоий философияга кириш»⁴³, В.Ф.Шаповаловнинг «Фалсафа асослари. Мумтозликдан ҳозиргача»⁴⁴, В.Е.Кемеровнинг «Ижтимоий фалсафага кириш»⁴⁵ номли ўқув қўлланмаларида ҳам учрамайди. С.Э.Крапивенскийнинг «Ижтимоий фалсафа» номли дарслигида биз ўрганаётган ижтимоий ҳаёт соҳаси «Жамиятнинг ҳаётида маънавийлик» номли боб остида берилган⁴⁶. Аммо унда «Маънавий ҳаёт социумнинг системаси сифатида» номли параграфида маънавий эҳтиёж, маънавий фаолият, маънавий истеъмол, ижтимоий онг каби компонентлари берилса-да, маънавий ҳаёт структураси, унинг тармоқларига хос система ташкил этувчи субстанционал элементлари ва қонунлари таҳлил қилинмаган.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг назарий ва амалий фаолияти, яъни аъмоли билан боғлиқ ҳолда шаклланаётган тарихни диалектик маданий тушуниш бўйича ижтимоий ҳаёт, жумладан, маънавий ҳаётни таҳлил қилиш ватанпарварликнинг маънавий ҳаёт ядроси – маънавий маданий турларига боғлиқ ҳолда амал қилишнинг ҳам янада кенгроқ ёритишга имкон беради. Маълумки, социал борлик, яъни жамият мавжудлик ҳолатига кўра маданий

⁴³ Қаранг: Момджян К.К. Введению в социальную философию. Учебное пособие. - М.: Выс. шк., К.Д «Университет», 1997. -448 с.

⁴⁴ Қаранг: Шаповалов В.Ф. Основы философии. От классики к современности. Учебное пособие для вузов. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2001. – 608 с.

⁴⁵ Қаранг: Кемеров В.Е. Введению в социальную философию. Учебное пособие для гуманитарных вузов.- М.: Аспект Пресс, 1996. -215 с.

⁴⁶ Крапивенский С.Э. Социальная философия: Учебник для студентов вузов. – М.: Гуманит. изд. центр. ВЛАДОС.1998. С. 215-257.

ва маданий бўлмаган қисмларга бўлинади, у амал қилиш (функционал) ҳолатларига кўра инсон ва унинг социал бирликларининг моддий, маънавий, сиёсий-ҳуқуқий томонларидан ташкил топган. Бу ҳолат айти вақтда жамиятнинг тузилиши ҳам демакдир. Бу тизимда моддий маданият моддий ҳаётнинг, сиёсий-ҳуқуқий маданият сиёсий-ҳуқуқий ҳаётнинг, маънавий маданият маънавий ҳаётнинг белгиловчи қисмларини ташкил этади. Жамият соҳаларининг маданий қисмлари бир бутун тизим сифатида маданият, яъни маданий борлиқни ташкил этиб, у жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланишини белгилаб келади. Маданий борлиқнинг ички боғланишларидан келиб чиқадиган қонунлар, хусусан, субстанционал қонунлар ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўзига хос равишда намоён бўладилар.

Энди эътиборни маънавий ҳаётнинг кенг қамровли, синхретик қисми ахлоқий ҳаётга қаратайлик. «Ахлоқ (араб. хулқнинг кўплиги, лот. *moralis-hulq-atvor*), - дейилади «Фалсафа: қомусий луғати»да, - ижтимоий онг шаклларида бири. Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор муайян норма ва қоидалар йиғиндиси. Ахлоқ нормалари кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади»⁴⁷. Ушбу тариф-тавсифдан кўриниб турибдики, ахлоқ, биринчидан, ижтимоий онг шаклидир. Демак, ахлоқий онг акс эттираётган объект мавжуддир. Демак, бу акс эттирилаётган объект ўзига хос турмуш, кишиларнинг яшаш йўсинидир. Иккинчидан, у муайян нормалар йиғиндисидир. Ахлоқни бундай тор маънода тушуниш ватанпарварликнинг ахлоқий ҳаёти соҳасидаги амал қилиши қонуниятини тўлиқ очиб беришга имкон бермайди. Бунинг учун ахлоқий ҳаётнинг маданий ва маданий бўлмаган жиҳатларини аниқлаб олиш зарур. Шахс ахлоқий маданияти шахснинг ахлоқий онги ва уларга риоя қилишидир. Жамият ахлоқий

⁴⁷ Фалсафа: қомусий луғат. - Т.: «Шарқ», 2004. -Б. 40-41.

маданияти жамоат иззаси даражасида тарбиялаш ва тартибга солиш мақсадида жамият ахлоқий ҳаётининг ишлов бериб яратилган қисмидир. Бизни ватанпарварликнинг ахлоқий ҳаёт, хусусан ахлоқий маданиятнинг субстанционал элементларидан бири- ахлоқий эҳтиёжлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлиши қизиқтиради. Халқимизнинг ахлоқий фазилатлари ахлоққа бўлган эҳтиёжлар асосида юзага келган бўлиб, улар ватанпарварликнинг манбаларидан ҳисобланади⁴⁸. Ижтимоий–тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кадриятлардан бири – бу бизда жамоатчилик фикри, жумладан, Э иззасидир. Жамоатчилик фикри, жумладан, иззаси одамлар ўртасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодасини сақлаш, ривожлантириш, кенг фойдаланиш учун зарур бўлган кадриятдир.

Жамоатчилик фикри, жумладан, иззасининг кучи ёшларга жуда эрта сингдирилади ва оиладаги, жамоатчилик ичидаги тарбиянинг муҳим қисми бўлади. Ўзбек халқида бола тарбиясида, ота-онадан ташқари кўни-кўшнилар, қариндош-уруғлар, яқин дўстлар, маҳала-кўй фаол иштирок этиши ҳам ёшларда жамоатчилик фикрига ҳурмат билан қараш ҳиссиётини тарбиялайди. Кўни-кўшнилар, оила аъзолари ўртасидаги низолар, жамоатчилик ўртасидаги кўплаб муаммолар, оқсоқоллар, маҳала кенгашлари кучи билан ҳал этилади. Бу муаммолар жамоатчилик фикри асосида давлат идоралари иштирокисиз кўриб чиқилади. Ушбу жараёнлар кишида ватанпарварликни принцип сифатида шакллантиради.

Биз 1990-2000 йиллар мобайнида академик Э.Юсупов раҳбарлигида Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети қошида ташкил этилган «Миллий кадриятларни ўрганиш маркази» томонидан миллий кадриятлар, жумладан ахлоқ, ватанпарварлик масалалари бўйича социологик сўровномалар ўтказдик. Ушбу сўровномаларнинг баъзи натижаларини ҳавола қиламиз.

⁴⁸ Юсупов Э.Ю. Истиқлол шабадалари. – Т.: «Фан», 1993. 99-бет.

Энг аввало, ҳозирги кунда жамиятда одамлар ўзаро муносабатларида одоб-ахлоқ қандай даражада аҳамиятга эга, деган савол ўрганилди. Сўровга жалб қилинганлардан бу саволга: 20,4% киши юқори даражада, 15,1% киши одобли кишиларнинг ҳиссаси кўпроқ, 41,8% киши эса ўртача даражада, 10,5% кишилар эса одобли кишилар ҳиссаси анча кам ва 12,2% кишилар жуда паст, деб жавоб беришган. Ахлоқий маданиятининг жамият таракқиётидаги ўрни масаласида 67,7% киши ахлоқий маданиятнинг юқори бўлиши жамият таракқиётида энг муҳим омил деб топган; 14,0% киши ахлоқий маданиятнинг шаклланиши жамият ривожига кўпам боғлиқ эмас; 13,4% киши бўлса жамият ривожланиши ахлоқий маданиятнинг тўғри шаклланишига олиб келади, деб ҳисоблашини билдирган. Ахлоқий муносабатларнинг истиқболи ҳақида 65,6% киши ахлоқий маданият тобора юксалиб боради, деб жавоб берган бўлиб, жумладан, бу кўрсаткич йигитлар ичида 68,1% ва қизлардан 62,0%; 10 ва 11 синф ўқувчиларидан 63,0% ва 69,7%; зиёли оиланинг фарзандлари 67,0% ҳамда бошқа оилалар ичида 63,2%га тўғри келади, ахлоқнинг салбий томонга ўзгариши мумкинлигини 70,2% кишигина билдирган; 16,4% киши ахлоқ муносабатлари унчалик ўзгармайди, деб ҳисоблайди. Бу натижалардан кўринадики, ҳозирги кундаги одоб-ахлоқ маданияти даражасини кўпчилик ўртача деб ҳисобласа-да, келгусида янада юксалиб боришига ишонч билдирган. Бунда асосий масалалардан бири – одоб-ахлоқ тарбиясини тўғри олиб бориш йўллари тўғрисида ҳар бир одам ўзи намуна бўлиши керак, деган фикрни 52,5% киши ёқлаган, 38,1% кишилар катталар ёшларга эътибор бериши кераклигини; 9,3% киши ёшлар бир-бирига эътибор бериши кераклигини изҳор этган. Оиладаги муносабатлар доирасида 69,4% киши ота-онанинг болалар одоб-ахлоқи тарбиясига алоҳида ёндашиш лозимлигини; 12,2% киши болаларга қаттиққўллик муносабатида бўлиш кераклигини; 5,6% киши эса болаларни эркин қўйиш зарурлигини ва ниҳоят, 12,8% киши ота-оналар ўз устиларида ишлашлари лозимлигини маъқул топганлар. Ўқув муассасаларида одоб-ахлоқ тарбияси юритиш бўйича эса 33,5% ўқувчи одоб-ахлоқ маданиятини

асосли ўргатишни; 39,5% болаларни одоб-ахлоқ жиҳатидан назорат қилишини; 9,0% болалар эркинлигини оширишини; 18,0% болалар одоб-ахлоқ муносабатларининг ижобий томонларини англантишни ёқлаб фикр билдиришган. Маҳалла жамоалари ичида одоб-ахлоқ тарбиясини йўлга қўйиш учун 40,4% сўров қатнашчилари одоб-ахлоқ маданиятининг энг яхши кадриятларини маҳалла аҳлига ёйишни; 40,9% киши оилалардаги одоб-ахлоқ муносабатларини назорат қилиши ва тўғри йўлга солишни; 13,2% киши одоб-ахлоқ муносабатида юқори бўлган кишиларнинг ҳурматини кўтаришни ва ниҳоят, 5,6% киши одоб-ахлоқ доирасидаги чиқишларда унинг салбий томонларини кўпчиликка англантишни маъқуллаб, фикр юритади.

Яна бир муҳим масала – ёшларнинг ўз ахлоқига берган баҳоси ва ахлоқнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар таҳлилига бағишланган. Сўровга жалб қилинган ёшларнинг 45,6%и ўзини ахлоқли ва 25,8%и унчалик эмас, деб ҳисобласа, 28,6%и билмаслигини эътироф этган. Ёшлар одоб-ахлоқнинг шаклланишида таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш асосида шундай поғонавий мутаносибликни кўрсатиш мумкин: ота-онанинг ўрни жуда юқори (93,0%); тарбияга оид китоблар таъсири кўп (81,0%); бадий адабиётлар таъсири кўп (79,6%); устознинг аҳамияти катта (77,5%); оиладаги кексалар ўрни жуда юқори (71,2%); ака-ука, опа-сингилларни юқори (71,2%); мактаб тарбиясининг ўрни баланд (62,2%); яқин қариндошлар ўрни камроқ (43,3%); телевизор кўрсатувчилари таъсири катта (43,2%) ва хокозо⁴⁹. Бу масала юзасидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин. Ёшлар одоб-ахлоқини шакллантириш жиддий, кўп қиррали муаммо бўлиб, олинган натижалар унинг баъзи томонларини очиш имконини беради. Юқорида келтирилган одоб-ахлоқ, ватанпарварлик тарбиясига таъсирлар ўзларининг поғонавий жиҳатидан мутаносиблиги, таълим-тарбиянинг қайси жабҳаларига кўпроқ эътибор бериш лозимлигини белгилаб олишга катта ёрдам беради.

⁴⁹ Социологик тадқиқот дафтари. – Б. 1-5.

«Тарбия, - деган эди Абдулла Авлоний, - бизлар учун ё ҳаёт, ё нажот, ё халокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир»⁵⁰.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун кураш йўлларида ўтмиш ва ҳозирги кундаги илм-фан намоёндалари, мутафаккирларининг меҳнати, фан оламига қўшган ҳиссасини халқга кенгроқ етказиб, кадр-қимматини ўрнига қўйиш керак. Сир эмас, ўзбек алломалари саналган машҳур Иброҳим Мўминов, Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов кабиларга нисбатан яқин ўтмишда тазйиқ ва асоссиз таъналар бўлди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда фан ривожига зарар, илм-фан аҳлига ҳурматсизлик эди. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимизда туб янгилашиш жараёни давом этар экан, биз аввало, илм-фан аҳлининг моддий жиҳатдангина эмас, балки маънавий, ҳуқуқий ҳимоя тўғрисида ҳам жиддий қайғуришимиз лозим. Олимларимиз меҳнати миллий ғурурни шакллантиради. Бу ҳолат эса ёшлар учун ватанпарварлик ҳиссиётларининг манбаи бўлиб келади.

Илм-фан Ватанимиз равнақи манбаи, уни ёшларимизда шакллантириш мактабдан бошланади. Бугунги кунда эса очиғини айтиш керак, кўплаб мактабларда таълим-тарбия ишлари сусайиб кетди. Айрим ўқувчилар, муаллимлар, истеъдодли ёш олимларимиз тижоратга ўтиб кетмоқдалар. Албатта, тижорат ишлари иқтисодий тараққиётимизга ижобий таъсир этади. Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги фан биландир. Тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили фан-техника ютуқларини эгаллаш, ривожлантириш ва тезда ҳаётга жорий этишдир. Агар мамлакатимизнинг илмий потенциали заифлашиб қолса, ёшларда фан, техника асосларини эгаллашга ихлос бўлмаса, биз дунёдаги қоқоқ мамлакатлардан бири бўлиб қолаверамиз.

Ватанпарварлик ва миллий ифтихор тарбияси умумтаълим мактаблари фаолиятида катта ўрин олмоғи зарур. Халқ педагогикаси анъаналарига кўра, болаларга олдин тарбия, сўнгра таълим ўргатилган. Фақат тарбия кўрган

⁵⁰ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: «Ўқитувчи». 1992. 14-бет.

болагини таълимни ихлос ва иймон билан эгаллашга интилади. Ёшларда маънавий камолот заиф бўлса, улар таълим олишга, ҳаётда ўзига муносиб ўринни эгаллашга бефарқ қарайдиган бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳам, одатда, яхши ўқийдиган болалар яхши оилада тарбия кўрган бўладилар.

Ҳозир олий ўқув юртлирида ахлоқ-одоб тарбияси бўйича таълим берадиган ўқитувчиларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмаган. Барча олий ўқув юртлирида одобнома бўйича дарс берувчи муаллимларни тарбиялайдиган факультетлар очиш ҳам зарур бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда ҳар бир шахсинг, биринчи навбатда, ёшларнинг маънавий камолотини, ватанпарварлик туйғусини таъминлаш мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда. Ёшларнинг касб ўрганишга муносабатлари қандайлиги ҳақидаги саволга 27,2% киши фикрига кўра ҳозирги кунда касб ўрганишга бўлган қизиқиш юқори даражада бўлса, 47,0% киши ўртача даражада ва 22,8% киши паст даражада, деб билади. Аммо 66,9% киши келгусида касб ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб боришини таъкидлаган, шундан йигитлар ичида 69,0% ва кизлар 65,4% ҳамда 10 ва 11-синфлар ўқувчилари бўйича 66,1% ва 69,3%; зиёли оиланинг фарзандлари ичида 65,7% ва ниҳоят бошқалар 69,9%ни ташкил этади⁵¹. Хулоса сифатида шунини билдириш керакки, ёшлар ичида кўпчилик ҳозирги даврда касбга ўрганишни тўғри англаган ва келгусида бу қизиқишнинг ортиб боришига ишонч билдиради.

Юқорида қўйилган савол туғдирган муаммонинг ички қирраларини очиш учун навбатдаги саволда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида касб ўрганиш ёки касбга эга бўлиш ёшларнинг ҳаётга киришидаги аҳамиятини баҳолаш кўзда тутилади. Чунки меҳнат, фидойилик, жасорат ва умуман ватанпарварлик касб орқали намоён бўлади. Сўралганлардан 72,4% киши катта аҳамиятга эга, деб билади; 14,2% киши аҳамияти сезилмайди деса; 8,0% киши аҳамиятга эга эмас ва ниҳоят, 5,4% киши бирор фикр

⁵¹ Социологик тадқиқот дафтари. – Б. 6.

билдирмаган. Худди шундай келгусида ҳам кўпчилик касб ўрганиш ва касбга эга бўлиш ёшлар ҳаётида аҳамияти тобора ортишини таъкидлаганлар. Республикамиз келажаги буюк бўлиши учун мустақиллигимиз мустаҳкам бўлиши учун ёшларнинг касб ўрганиши ва касбга интилиши аҳамияти қандайлиги ҳақидаги саволга 78,6% киши аҳамияти жуда юқорилигини кўрсатган, шу жумладан, бу кўрсаткич йигитлар ва қизлар ичида 81,1% ва 75,1%ни; 10 ва 11 – синф ўқувчилари ичида 73,9% ва 84,5%ни; ўқитувчилар ичида эса 92,7%ни ташкил этди⁵². Бу эса ёшларнинг касб ўрганиш ёки касбга эга бўлишига муносабатларини ижобий баҳолаш имкониятини беради. Халқимиз ва ёшлар дилида ҳаётни ва келажагини кўришни муносиб касбни эгаллашда, деган фикр чуқур ўрин олганлиги бу ўринда яққол кўзга ташланади.

Қандай турдаги касбни маъқул кўриши ҳақидаги саволга – 75,3% киши олий маълумотли мутахассисликдаги касбларни, 12,3% киши ўрта махсус маълумотли мутахассисликдаги касбларни, 12,4% киши эса бошқа касбларни танлаган. Ушбу саволни тўлдирувчи ҳозирги кунда ва келгусида қайси турдаги касб эгалари турмуш даражаси юқорироқ эканлиги ҳақида фикр билдиришда ҳам яна кўпчилик олий маълумотли мутахассисликдаги касбларни танлаган. Хусусан, 63,7% йигит ва 77,7% қиз олий маълумотли мутахассисликдаги касбларга интилишса ва уни нуфузли деб билишса, иккинчи томондан, уларнинг бошқа касблар ҳақидаги тасаввури юзаки эканлиги, уларни яхши баҳолай олмаслиги ҳам англашилади⁵³. Шунинг учун ёшларни ўз лаёқатини тўғри баҳолай олиш ва муносиб касбни аввалдан белгилаши жиҳатидан чора-тадбирлар олиб бориш зарурдир.

Бўлғуси касбга тайёргарликни қайси даврдан бошлаш кераклиги бўйича саволга – 64,3% киши ёшлик чоғиданоқ, 26,1% киши ўрта мактабни битириш олдидан ва 8,77% киши мактабни битиргандан сўнг, деб жавоб берган. Касб танлашда нималарга асосланиш лозимлигини билдиришда –

⁵² Ўша жойда. – Б. 6.

⁵³ Социологик тадқиқот дафтари. – Б. 7.

50,7% киши фақат ўз фикрига асосланишини маъқул кўради, 27,3% киши эса ота-оналар фикрига асосланиш кераклигини маъқуллайди, тенгдошлар фикрига асосланишни 2,8% одам билдирган⁵⁴. Ушбу натижалар шундай хулоса берадики, кўпчилик ёшлар бўлғуси касб ҳақида ёшлигиданоқ етарли маълумотга эга бўлишини истайдилар ҳамда бунда кўпроқ мустақилликка интиладилар.

«Мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантириш туфайли қайси касбларни маъқул кўрасиз?», «Қайси соҳа касблари бўйича рақобат юқори?» каби саволларга 14 соҳа касблари ажратиб берилган эди. Биринчи савол юзасидан 10 %дан ортиқроқ фикр билдирилган соҳаларга қуйидагилар киради: савдо ва тижорат ходими (17,4%), соғлиқни сақлаш ходими (11,6%), илм-фан ходими (13,8%), ва ниҳоят молия ходими (10,6%); 5-10 %ни олган соҳалар қуйидагилар бўлди: саноат ишчиси (8,9%), қишлоқ хўжалиги ходими (8,8%), маориф ходими (7,8%), ва бошқарув ходими (6,2%). Иккинчи савол бўйича ҳам юқори ўринда савдо ва тижорат ходими (28,7%), молия ходими (11,7%), адлия ходими (7,6%), соғлиқни сақлаш ходими (7,4%) ва милиция ходими (7,0%) кўрсатилган. Учинчи савол бўйича эса юқори поғонани илм-фан ходими (19,7%), саноат ишчиси (11,3%), қишлоқ хўжалиги ходими (10,5%), қурилиш ишчиси (10,2%), ҳарбий соҳа ходими (19,5%) ва ниҳоят маориф ходими (8,7%) эгаллаган⁵⁵. Солиштирма таҳлил натижаси шуни кўрсатадики, ёшлар кўпроқ маъқуллаган баъзи касб соҳалари бўйича рақобат юқори бўлса, баъзиларида одамлар етишмайди. Бу эса бозор механизми тамойиллари ёшлар дунёқарашига бир мунча кириб келаётганлигини англатади. Ватанпарварлик фаолияти касб орқали намоён бўлар экан, бу борада қатор тадбирлар, хусусан, ўқувчининг қобилиятини аниқлаш мақсадида системали равишда психологик тест, савол-жавоблар ўтказиб туриш келажак учун ижобий натижалар беради.

⁵⁴ Ўша жойда. – Б. 7.

⁵⁵ Социологик тадқиқот дафтари. – Б. 8.

Маълумки, таълим-тарбия тизимида Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда асосий омиллардан биридир. Шу боисдан ҳам мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи фанини ўқитишда «Амир Темур, босқинчиларга қарши шиддатли кураш олиб борган Жалолоддин Мангуберди, Махмуд Таробийлар ҳақида, чоризмнинг яқсон қилувчилик сиёсатига қарши курашган Номоз ботирлар ҳақида бор ҳақиқатни айтиш, ёшларга тўғри билим бериш, тўғри тарбия бериш, Ватан тарихини холисона ўргатиш керак»⁵⁶. Табиyki, бу ҳол ўз тарихимизни чуқур, тўлақонли идрок қилишимизни талаб қилади. Бирок уни ўрганиш борасидаги ишларимиз ҳали талаб даражасида эмас. А.Асқаров бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар Ўзбекистон халқлари тарихи бўйича йирик қўлланмалар ҳозирламоқда. Б.Ахмедов ва Р.Муқимовларнинг «Моворауннаҳрнинг Тимур давридаги ҳаёти» номли китоблари ёзилмоқда. Б.Ахмедов ўзининг «Амир Темур» асарини Амир Темурнинг 660 йиллиги олдида эълон қилди. Шу йил 22 апрелда Парижда БМТнинг маданият ва маънавият соҳаларига оид ЮНЕСКО томонидан Амир Темур даври илм-фан ва маданияти тараққиётига бағишланган жаҳон олимларининг илмий конференцияси ўтказилди. Шу нарсани айтиш жоизки, Ўзбекистон тарихини хорижий мамлакатларда чуқурроқ тадқиқ қилиб, ўрганилаётганликлари бизни қувонтиради. Масалан, 1990 йилда америкалик ўзбекшунос олим профессор Эдвард Олварс 424 бетлик «Замонавий ўзбеклар: ўн тўртинчи асрдан ҳозирги кунгача бўлган давр маданият тарихи» номли илмий асар яратди. Унда шундай фикрлар учрайди: «Ўзбекларда забон бор, сабр-чидамлилик бор, қолаверса, чексиз кадр-қимматдорликларга оид бойлиги бор. Агар ўзбек дунёси ҳозирги замон зайлига кўра, ўз аъзоларини фақат Ўзбекистон ҳудуди доирасида ўйлашга мажбур қилса, унда яхлит бир ўзбек миллати руҳий жиҳатдан жипслашади. Йўқ, агар ўзбеклар Ўзбекистон ҳудуди ташқарисидаги кенгроқ цивилизацияларни қамраб олишга интилсалар, унда уруғчиликдан баланд бир Ўрта Осиё миллий онг – шуури

⁵⁶ Файзуллаев Т. Ўзбекистон янги йўлда.Т.: «Ўзбекистон», 1993. 40-бет.

шаклланади»⁵⁷. Эдвард Олварс ўз асарларида Ўрта Осиё, хусусан, ўзбеклар тарихи қайтадан эҳтиёткорлик билан ёзилиши керак, деб ҳисоблайди. Албатта, бу фикр қанчалик аччиқ танбеҳ бўлмасин, ҳақиқатдир. Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан бу масаланинг аҳамияти янада ортди. Бунинг боиси шундаки, сўнгги йилларда фақат ўқувчилар эмас, балки аҳоли барча катламларининг, жумҳурият, Ватан тарихига қизиқиши сезиларли даражада ошиб кетди. Танлаган йўлдан боришимизни англаб олиш истаги ва интилишгина эмас, балки халқнинг миллий онги ўсганлиги ҳам бунда яққол кўзга ташланиб турибди. Бироқ юртимиз, Ватанимиз тарихини мактабларда, лицей ва коллежларда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам бошқа фанларга нисбатан кўпроқ ўқитилиши керак.

Ёшларда миллат ва давлатимиз тарихи ҳақида тўғри билимнинг ҳосил бўлишини билиш мақсадида уларда социологик тадқиқот ўтказилди. Ўзбекистон, яъни қадимий Турон ва Туркистон аталмиш давлатнинг бир бўлаги сифатида тарихий тараққиётнинг қайси даврларида жаҳон маданиятининг шаклланишига катта ҳисса қўшган? - деган саволга ёшлар ва катталар қуйидагича жавоб беришди: -Милоддан олдинги даврлар ва кейинги VII-XI асрлар – ёшлар: 8,1% ва катталар: 0,1%; VII-XI асрлар - ёшлар: 26,0% ва катталар: 40,0%; XII-XIX асрлар - ёшлар: 44,2% ва катталар: 37,5%; мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг – ёшлар: 21,7% ва катталар: 22,5%⁵⁸. Жавобларнинг бундай тuzилишда ва шаклда бўлиши ўзининг объективлиги жиҳатидан бизни ва айниқса, тарихчиларимизни ўйлашга мажбур қилади. Тарихимиз, маданиятимиз, иқтисодий ва ҳарбий қудратимиз турли даврларда турлича бўлган. Буни тарих нуқтаи назаридан аниқроқ билишимиз ва тўғри талқин қилишимиз дунёқарашимизга ва унинг тўғри шаклланишига ёрдам беради.

Юртимизнинг тарихида Турон ёки Туркистон, деб аталишининг сабабларини респондентлар қуйидагича тушунар эканлар. Бу ҳудудий ёки

⁵⁷ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1991 йил 13 декабрь.

⁵⁸ Социологик тадқиқот дафтари. – Б. 9.

географик ном – ёшлар: 14,7% ва катталар: 4,7%; бу ўлка туркий халқлар Она Ватанидир – ёшлар: 68,5% ва катталар: 83,7%; бу ҳудудда шаклланган давлатлар номидир – ёшлар: 17,0% ва катталар: 11,6%⁵⁹. Бундай ҳар хил карашларга чек қўйиш лозим ва унинг учун алоҳида тарихий асарлар яратиб, уларни чоп этиш мақсадга мувофиқдир.

Ватанпарварлик ва миллий ифтихорнинг шаклланишида Турон ёки Туркистон халқлари бирлиги ҳақидаги ғоя катта аҳамият касб этади. Бу ҳақда сўровда қатнашган респодентларимизнинг фикри қуйидагича: Халқлар бирлиги давлат мустақиллигини таъминлаш учун аҳамиятли – ёшлар: 21,4% ва катталар: 30,0%; ижтимоий ва иқтисодий тараққиётни тезлаштириш учун аҳамияти бор – ёшлар: 23,5% ва катталар: 12,5%; бу ҳудудда яшаётган туркий халқлар тили ва маданиятининг янада яқинлашуви ва ривожланиши учун аҳамиятга эга – ёшлар: 55,1% ва катталар: 57,5%⁶⁰.

Сўров натижаларига кўра, кўпчилик респодентларнинг тил ва маданият бирлигини тиклаш орзуси борлиги маълум бўлди. Бу омил Ўрта Осиё халқларининг қадимий орзуси бўлиб, ҳар бир инсонни ҳаракатга келтиради. Собиқ совет тузуми даврида Турон – Туркистон халқлари тарихини сохталаштириш ва бир ёқлама ёритишнинг сиёсий, мафкуравий сабаблари бўлган эди. Маълумки, ўз она-Ватани тарихини тўғри билишдан маҳрум бўлган ёки унга лоқайдлик билан қараган миллат манқуртлик ҳолатига тушиб қолади. Совет даврида тарихни сохталаштириш, миллат миллий руҳий ва маънавий эҳтиёжларини атайин чеклаш, рус бўлмаган барча халқларни руслаштириш шовинистик яширин сиёсатни амалга оширилган. Шу сабабли у даврда кўпчилик миллатларнинг тарихи атайин юзаки ва бир томонлама ёритилган ёки бутунлай унутилган. Шунини ҳисобга олиб, биз ёшларимиз ватанпарварлик эътиқодини мустаҳкамлашга бевосита таъсир этадиган қуйидаги саҳифаларни кенгроқ ўрганишни лозим, деб топамиз:

⁵⁹ Социологик тадқиқот дафтари. – Б. 9.

⁶⁰ Ўша жойда. – Б. 10.

-Турон – Туркистон замини инсоният илк аждодлари шаклланган манзиллардан бири эканлиги (Тешиктош, Селенғур топилмалари асосида);

- Турон-Туркистон замини инсоният цивилизацияси шаклланининг илк манзилларидан бири эканлиги;

-Бактрия, Хоразм, Суғдиёна, Тохаристон, Турк ҳоқонликлари даврида шаклланган буюк маданий ва маънавий меросни;

-Араблар босқини арафасида Турон-Туркистонда мавжуд бўлган иқтисодий ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаёт даражаси. Ислом кириб келгунигача мавжуд бўлган диний – фалсафий таълимотларни;

-Турон – Туркистонда ислом цивилизацияси тез ривожланишининг тарихий, ижтимоий, илмий-маънавий илдизларини;

-Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар ва Шайбонийлар каби мустақил давлатлар шароитида илм-фан, санъат ва маданиятнинг ривожланиши;

-Амир Темур буюк ватанпарвар ва юртпарвар сифатида;

-Ўрта Осиёда уч хонлик: Қуқон, Бухоро ва Хоразм хонликлари ўртасидаги маҳаллий курашлар, ноаҳлик оқибатида Чор Россиясининг босиб олиши;

-Чор Россияси империяси зулмига қарши Туркистон халқларининг олиб борган миллий озодлик ҳаракатлари;

-Совет тузуми даврида мамлакатимизнинг илғор зиёлилари ва ватанпарварлари ўз илғор ғоялари билан миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун олиб борган курашлари.

Тарихимизнинг бу қайд этиб ўтилган босқичлари ҳозирча бизга тўла ўрганиб ва ёритилиб берилгани йўқ. Тарихимизнинг бу саҳифаларини тўла ёритилиши, улардаги мавжуд «оқ» ва «қора» доғларнинг бартараф қилиниши ёшларимизни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль

ўйнайди. Шунингдек хорижда ўзбек халқи тарихини тарғиб қилиш барчамизнинг ватанпарварлик бурчимиздир⁶¹.

Ватанпарварликнинг шаклланиш ва амал қилиши маънавий маданиятимизнинг нафақат ахлоқий тарбия, илм-фан тараққиёти, таълим-тарбия тизими, балки улар билан бирга эстетик маданият, диний маданият ва оммавий ахборот воситаларининг фаолиятларига ҳам боғлиқдир. Жумладан, диний маданиятнинг шундай қадриятли томонлари борки, улар Ватанни муқаддас деб тушунишга олиб боради. Диннинг халқни маънавий бойитиш, ахлоқий тарбиялаш, етук, баркамол инсонни тарбиялаш борасидаги хизматлари ҳам эътиборга сазовордир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом ота-боболаримизнинг дини, мусулмонларнинг туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир»⁶². Шу билан бирга, бизнинг мустақиллигимиз, миллий манфаатларимиз ҳар қандай диний манфаатлардан устунлигини, дин сиёсат эмаслигини, балки иймон-этиқод эканлигини ҳам унутмаслик керак. Диний қадриятларни ҳурмат қилган ҳолда, ёшларни замонавий фанлардан узоқлаштирмаслигимиз керак. Дин ҳам ёшларни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Хуллас, ватанпарварлик бир бутун ўзига хос мамлакат - цивилизация доирасида шаклланар экан, унинг амал қилишини унинг таркибий қисмлари тақозо этади. Хўжалик ёки экоэҳтиёж бўладими, сиёсий, ҳуқуқий ёки маънавий эҳтиёж ва унинг турлари бўладими, ватанпарварлик туйғуси ушбу юқорида кўрсатилган эҳтиёжлар билан туғилган бўлади, уларга боғлиқ халқаро ва умуман, бир бутун мамлакат цивилизацияга боғлиқ ҳолда амал қилади. Ватанпарварликнинг амал қилишининг бу қонуниятларини билиш ватанпарварлик тарбиясини олиб боришда муҳим аҳамиятга эгадир.

⁶¹ Юсупов Э.Ю. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш йўллари (илмий-услубий тавсиялар). - Т.: «Университет», 1996. -Б. 21.

⁶² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: «Ўзбекистон», 1992. 21-22 бетлар.

2.2 Xalqaro vatanparvarlik tajribalarining O'zbekiston sharoitidagi ahamiyati.

Ватанпарварлик эътиқод ва хатти-ҳаракатнинг бирлиги сифатида.

Маълумки, ватанпарварлик туйғуси эътиқодга айлансагина, кишининг хатти-ҳаракати кучаяди. Ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва эътиқодга айлантириш учун А.Очилдиев, биринчидан, ҳар бир кишида меҳнат қилиш кўникма ва малакасини, иккинчидан, тарихий хотирани ўстиришни, учинчидан, Ватан, халқимиз олдидаги бурчини ва тўртинчидан, кишиларда адолатпарварлик туйғусини тарбиялашни илгари суради. Чунки «жоҳиллик, ялқовлик ва бекорчилик, худбинлик ва ҳасадгўйлик, қўрқоқлик, журъатсизлик ва такаббурлик охир оқибатда Ватан тақдирига бефарқликни келтирадиган иллатлардан ҳисобланади»⁶³.

Ватанпарварлик ўз-ўзини англашнинг намоён бўлиши бўлиб, у айни вақтда она юртга эътиқоддир. Арабчадан ўзлашган «Эътиқод» сўзи қуйидаги маъноларга эга: 1) «Қаттиқ ишонч, маҳкам ушланган маслак, дунёқараш. 2) Бирор кимсага ёки нарсага бўлган ишонч, эътиқод, унга боғланган умид. 3) Худога ёки бирор ғайритабиий кучга ишониш; иймон, дин»⁶⁴. Эътиқод каттиқ ишонч сифатида содиқликнинг билиш асосини ташкил этади. Содиқлик эса «содиқ» сўзига тааллуқли бўлиб, арабчада «сидқи дилдан берилган, садоқатли» дегани⁶⁵. «Садоқат» сўзи эса арабчадан «чин қалбдан берилганлик содиқлик, вафодорлик» маъноларида ишлатилади⁶⁶. Эътиқод асосида садоқат келиб чиқар экан, унинг ўзига хослиги борлик, жумладан, ижтимоий воқеликни тушунишга боғлиқдир. Собик СССР даврида социалистик ватанпарварлик тарихни материалистик тушуниш асосида келтириб чиқарилган эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси, унинг етакчиси – юртбошимиз И.А.Каримов ва Ўзбекистон халқининг асосий мақсади мамлакатимизда маданий қадриятларни ўрнатиш. Ҳар бир

⁶³ Очилдиев А. Миллий фазилатларимиз: ватанпарварлик. -Т.: «Мухаррир» нашриёти, 2008. -Б. 32.

⁶⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том.-М.: «Русский язык», 1981. -Б. 459.

⁶⁵ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II-том.-М.: «Русский язык», 1981. – Б. 64.

⁶⁶ Қаранг: Ўша жойда. -Б.10.

мамлакатнинг негизини унинг ўтмиш халқи ва ҳозирги авлоди тайёрлаган маданий борлиқ ташкил этар экан, у маданий кадриятларни қарор топтириш ҳисобига кенгайиб ва такомиллашиб боради. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, маданий кадриятлар ижтимоий кадриятларнинг таркибий қисми сифатида инсон томонидан ишлов берилган социал буюм, ҳодиса ва муносабатларни ўз ичига олади. Ижтимоий кадриятлар ичида инсон томонидан бевосита ишлов бериб яратилмаган элемент ва муносабатлар ҳам бор. Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий кадриятлар, маданий ва маданий бўлмаган кадриятларга ҳам бўлинади. Кадриятлар субъектлар манфаатларига қараб нисбий бўлади. Бу ҳолат маданий кадриятлардан бири - ватанпарварликка ҳам хосдир. Биз учун кадрият ҳисобланган Жалолиддин Мангубердиннинг ватанпарварлиги Чингизхон қўшинлари учун кадрият ҳисобланмайди.

Ҳар қандай кадриятлар - табиий ёки ижтимоий, шу жумладан, маданий кадриятлар бўлсин, уларни билиш, уларнинг хоссаларини аниқлаш орқали юз беради. Бизнинг мамлакатимиз худди шу йўлдан бормоқда. Бу тенденция ватан равнақи учун интиломқ демакдир. Шунинг учун И.А.Каримов шундай дейди: «Ўзбекистон бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва жумҳурият шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан шак-шубҳасиз фойдаланади. ...

Жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни танлаб олиш республиканинг қатъий позициясидир. ...

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ... эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш - танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир»⁶⁷. Бу сиёсий, иқтисодий ва маънавий ички ва ташқи жараён - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш жараёни ўқ илдизини ватанпарварлик, фидокорона меҳнат ташкил этади. Ва айна вақтда барча ижтимоий ҳодисалар, жумладан, ватанпарварликни жамият ядроси - маданий

⁶⁷ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 1992. - Б. 9-10.

борлиқнинг муайян социал макон ва замонда мавжуд тарихий типларига боғлиқ эканлигини билиш, яъни тарихни диалектик маданий тушуниш ва унинг пировард мақсади - цивилизацион ёндашиш ватанпарварликнинг ижтимоий фалсафий асосини ташкил этади.

Ўз она юртига меҳр кўйиш ва ундан оғишмаслик, ўз туғишганлари ва халқига содиқлик ва ундан оғишмаслик ҳам эътиқоддир. Инсон яшаш учун курашади, онгли хатти-ҳаракат қилади, ўзи ва қавмини, диёрини ҳимоя қилади ва мулкни кўпайтиради. Илгари табиатдан мулкни кўпайтириш мақсадида билиб-билмасдан аёвсиз фойдаланган бўлса, ҳозирга келиб эса уни эъзозлашга ва тежамкорликка ўтилмоқда. Ушбу онгли жараёнлар хўжалик ва экофаолиятлар учун ҳам муайян даражада ватанпарварлик хослигини кўрсатади. Инсонлар ўз ҳуқуқлари учун курашадилар, бу борада жамият ва давлат даражасида бошқарувни ислоҳ қиладилар, шунингдек, ўз шаъни ва ғурури учун эътиқоддан оғишмай курашадилар. Ўзлари ва жамият фаровонлиги учун тиниб-тинчимайдилар. Биронта ижтимоий фойдали фаолият соҳаси йўқки, унда манфаатлар ифода этилмаган бўлсин. Бу ўз-ўзини англашда она юртга яқинлик ва умуман олганда ватанпарварлик ҳис-туйғуси шаклланади. Ушбу руҳий маданий ҳолат шахснинг хатти-ҳаракатларига кўчади ва аксинча, шахс ва миллатнинг хатти-ҳаракати она юртга бўлган эътиқодга мувофиқлашади. Бу ҳолат мамлакатимиз мустақиллиги ва уни мустаҳкамлашнинг, тажовузлардан сақлашнинг руҳий-амалий маданий асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Жамият ядроси - маданий борлиқнинг таркибий қисмлари моддий, сиёсий ва ҳуқуқий ва маънавий маданиятлар инсон ва унинг бирликлари, жумладан, миллат мавжудлигининг томонлари ҳисобланади. Маданий борлиқнинг бу тўртта томони инсон онгига билиш объектлари, ўз-ўзини англаш объектлари сифатида таъсир қилади. Нафақат бу, балки шу билан бирга уларнинг яратилиши ва ҳимоя қилиниши бунёдкорлик фаолияти сифатида фидойиликни ва жасоратни тақозо этади. Демак, жамият ядроси - маданий борлиқ томонлари ва инсон ўртасидаги муносабатларда

ватанпарварлик моменти - содиқлик мавжуддир. Бу содиқлик, биринчидан, шахсга ўз жамоаси, миллати этногенезиси таъсирида юз беради. Бу содиқлик, иккинчидан, шахсга миллатнинг моддий маданияти - хўжалик маданияти ва экомаданияти таъсирида юз беради. Бу содиқлик, учинчидан, миллий давлатчилик ва ҳуқуқ-тартибот таъсирида юз беради. Бу содиқлик, тўртинчидан, маънавий маданият ва унинг турлари таъсирлари туфайли юз беради. Жамиятнинг бу томонлари ватанпарварлик туйғусининг манбаи ҳисобланади. Ватан - бу фақат инсоннинг туғилган уйи, юрти, мамлакати, шаҳар ёки қишлоғигина бўлиб қолмай, балки уни камолга етказган халқи, миллати ҳамдир. Шунинг учун ҳам юртбошимиз И.А.Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» деган ғояни илгари сурди.

Инсон ҳайвондан фарқли ўлароқ, воқеликни ўзгартириб ўзлаштирар экан, бу натижа - маданий борлиқ бунёдкорлик фаолиятининг мевасидир. Бу натижани айна вақтда субъектдан фидойилик ва жасорат, яъни ватанпарварлик - садоқат ила ишлашни тақозо этади. Демак, ватанпарварлик объектив муносабатлар тақозо этадиган субъектив ҳодиса - туйғу ва ўзига хос муносабат бўлиб, у инсон онгида фидойилик, жасорат, садоқат, бирдамлик каби фазилатларни зарур қилиб кўяди.

Маълумки, она юрт ўзгарган, Ватан чегаралари ҳам ўзгарган. Шу маънода она юрт тарихий экан, ватанпарварлик ҳам тарихийдир. Собик Иттифоқ, даврида «Ватан», «ватанпарварлик» каби тушунчаларни қаттиқ сингдириш учун жуда катта мафкуравий ишлар олиб борилган бўлса ҳам, уларни биз тўлиқ ҳазм қила олмадик. Бунинг бойиси шу эдики, ундаги «Ватан» тушунчаси мавҳум маънода тасаввур илғамас ҳуқуқни ифодалаш билан кишилар қалбига сингмаган тушунча эди. Бунинг бошқа бир жиҳати ҳам бор эди. Биз учун Ватан бўлган ҳудуд – бу бизнинг халқимиз, аجدод-авлодларимиз тарихи билан боғланган, бизнинг ота-боболаримиз хоки ётган ер, ўзимиз ҳам бир кун келиб ётадиган ер ҳам бўлиши керак. Бундай муқаддас ер эса биз учун бугунги Ўзбекистондир.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, биз ўзимизнинг ҳақиқий маънодаги «Ватан» тушунчасига эга бўлдик. «Бизнинг олий мақсадимиз мустақиллик эди, - дейди И.А.Каримов, - бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш, кишиларимизда ҳақиқий Ватан туйғусини шакллантириш, том маънодаги ватанпарварларни тарбиялашдан иборатдир»⁶⁸. Ватан, юқорида кўрганимиздек, бу ўзига хос сиёсий, маънавий, ижтимоий ва моддий маданий муҳитлар ҳамдир. Бу деганимиз Ватан-мамлакат фуқароси ўзи яшаётган ижтимоий муҳитда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ муносабатда бўла олмайди. Ҳақиқий ватанпарвар эса шу муҳитда Ватанга хизмат қилаётган кишидир. Ватанпарварлик ҳисси бу кишидаги ўзига хос муқаддас ва ориятли туйғудир. Ҳақиқий ватанпарвар киши - бу Ватан фаровонлиги ва қудрати йўлида ҳормай-толмай фидокорона меҳнат қилувчи, илм олувчи, ўз устида кунт ва сабот билан виждонан ишлаб борадиган кишидир. Ватанни севиш, ватанпарварлик фақат уни мадҳ этиш, куйлаш ёки бу ҳақда жон куйдириб гапиришдан иборат эмас, балки Ватан шаънига доғ туширадиган кимсалар, улар фаолиятига, Ватанга зарар етказадиган иллатларга, мавжуд бемаъниликларга қарши кураш олиб бориш ҳамдир. Кишида Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки унга ақл билан, билим орқали, чуқур ички эътиқод, миллий ғоя орқали сингади.

Маънавий қашшок, худбин, калтабин, манман, боқиманда, боқибегам, текинхўр кишиларда ҳеч қачон Ватан туйғуси кучли бўлмайди, улар бу туйғунинг олижаноблигини, гўзаллигини, юксаклигини ҳеч қачон етарли ҳис этолмайдилар. Бундай кишилар жамиятдаги энг ғариб, энг тубан, нотайин кишилардир. Улар ўз юртини, ўз халқи ва миллатини, хуллас, ўз она Ватанини ҳам ҳақиқий маънода сева олмайдилар, тўғриси айтганда, уларга Ватан туйғуси ҳамиша ёт бўлади. Бундай кишилар, одатда, ўз юртидан, ўз Ватани, ўз халқи ва миллатидан ҳам тез юз ўгирадилар, улар ўз шахсий

⁶⁸ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б. 103-104.

манфаатлари йўлида ҳар қандай тубан ишларни қилишга ҳам тайёр бўлиб, ўз виждонларидан ҳам жуда тез юз ўгирадилар.

Шунинг учун ҳам, ҳамма халқларда, ҳамма давлатларнинг жиноят кодексларида энг олий жиноят - бу Ватанга хиёнат деб белгиланган. Бу бежиз қилинмаган. Ватанга хиёнат қилган кишилар энг тубан, энг разил кишилар бўлади. Шунинг учун уларнинг фаолиятини ҳеч қачон ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бундай кишилар гуноҳини ҳеч ким, ҳеч қачон кечирмайди. Шунинг учун ҳам халқда мақол бор: «Ким Ватанини хор қилса, ўзи ҳам хор бўлади»: бошқа мақолда эса «Она-юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас» дейилади. Халқда яна: «Элидан айрилган эллик йил йиғлар», «Ватандан ташқарида бахт йўқ» каби ҳикматлар ҳам мавжуд. Бу ҳақда ўз вақтида буюк мутафаккиримиз Ҳазрат Навоий ҳам жуда тўғри айтганлар:

«Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжо ғурбат ҳавас айлама»⁶⁹.

Ўз вақтида буюк файласуф Г.Гегель ҳам: «Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади»⁷⁰ деб ёзган эди.

Лекин шуни айтиш керакки, Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуси инсонда ўз-ўзидан, онгсиз равишда пайдо бўладиган, шаклланадиган нарсалар эмас. Улар ҳар бир кишида жамиятда уни ўраб олган ижтимоий маданий муҳит таъсирида, жамиятнинг таълими ва тарбияси асосида шаклланади ва ривожланади. Жамиятда асрлар давомида ўтмиш авлодлар томонидан яратилган Ватанга муҳаббатни, ватанпарварликни шакллантирувчи жуда кўп юқорида баён этилган корреляцион-функционал омилларининг ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвар ёшларини тарбиялашда уларнинг роли ва аҳамияти жуда каттадир.

Ватанпарварлик, аввало, бирон бир халқ ва унинг вакилининг ўз-ўзини намоён қилишида, иккинчидан, моддий-маданий кадриятларни яратишда,

⁶⁹ Воронцов В.С. Тафаккур гулшани. -Т.: «Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат» нашриёти, -Б. 29.

⁷⁰ Ўша жойда.

учинчидан, марказга интилишга хос давлатчилик ва фуқароликни ҳис қилишда ва тўртинчидан, маънавий-маданий кадриятларида намоён бўлади. Бу жараёнлар айни вақтда миллий ифтихор туйғусини шакллантиради. Эътиборни масаланинг маънавий-маданий томонларининг баъзи жиҳатларига қаратайлик.

Ушбу ҳолатни ойдинлаштириш мақсадни кўзлаб тузган социологик дастуримиз асосида бир қатор вилоятларда, масалан, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Қарши шаҳарларида ёш талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ўтказган социологик тажрибаларимиз ва уларнинг таҳлили (улардан баъзиларини юқоридаги параграфда келтирдик) маънавият ва миллий мафқуранинг назариясини яратишда ва уни амалиётга татбиқ этишда ҳамда бизга жуда қимматли ахборотларни шакллантиришда ёрдам беради⁷¹.

Социологик сўров варақасининг биринчи саволи шундай бошланади: «Ватан» деганда сиз нимани тушунасиз? Бу савол бўйича респондент ёшларнинг 56,2%и ва катта ёшдагиларнинг 54,3%и «Ватан» деганда ўзлари туғулиб ўсган жойни тушунадилар. Саволга жавоб берганларнинг 27,2%, 30,4%и «Ватан» деганда ота-боболаримизнинг яшаб ўтган диёрини тушунадилар. Атиги 4,5%и ва 2,2%и эса қариндош-уруғларининг яшаётган жойини тушунар экан. Респондентларнинг 11,0%и ва 13,0%и ўзининг ҳозир яшаб турган диёрини Ватан, деб тушунар эканлар. Сўровда қатнашган ёшларнинг 1,1%и бундай тушунчага эга эмас эканлар.

Ёшлар ва катта ёшдагилар ўқитувчилар ватанпарварлик тушунчасига тўрт хил фикрни билдирдилар, яъни 45,0% ва 46,7% кишилар меҳнат қилишни, 26,1% ва 17,8% яшаётган мамлакатни ҳурмат қилишни ва севишни, 17,8% ва 31,1% эса Ватанни барча нарсадан аъло кўришни, 11,4% ва 4,4% эса

⁷¹ Изоҳ. Бу ўтказилган социологик тадқиқотлар уч масалага оид бўлиб, уларнинг биринчиси-кишиларимизнинг ватанпарварлик ва миллий ифтихорни қандай тушуниши, уларнинг ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон шароитида ватанпарварлик ва миллий ифтихор ҳислари қандай даражада, ватанпарварлик ва миллий ифтихор ҳисси, уларга, кўпроқ кишиларга боғлиқ уларни шакллантиришда ўқув юрглари, илмий-маданий, маърифий ва диний муассасаларнинг таъсири қандай, ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришда қайси омилларга кўпроқ аҳамият бериш тўғри. Уларнинг шаклланишида қайси тилларнинг аҳамияти юқори, мустақил Ўзбекистон шароитида қарор топаётган ватанпарварлик ва миллий ифтихорнинг ижтимоий моҳиятини нималар ташкил этиши ва шулар каби жами 42 саволга берилган жавоблар, уларга хос фонд кўрсаткичлари, маълум жадвал асосида берилган. Биз куйида ишимизда уларнинг энг муҳимлари юзасидан маълум натижаларни мисол сифатида келтирдик. Келтирилган миқдорий кўрсаткичларнинг биринчиси ёшларга (ўқувчи ва талабаларга) оид, иккинчиси ёши катталарга (ўқитувчиларга) оид улар берган жавобларнинг нисбатидан иборатдир.

Ватан тарихини яхши билишини ва у билан фахрланишини афзал кўрар эканлар.

Ватанпарварлик ҳиссини ўқувчилар ва ўқитувчилар жавобига мос равишда олиб қарасак, бу ҳол қизиқ кўринишга эгалигини кўрамиз, яъни энг юқори даражадаги жавоблар қуйидагилар: 44,4% ва 39,9%; унчалик эмас: 49,0 ва 51,2%; паст даражада: 5,7% ва 9,8% экан. Социологик сўровда катнашганларнинг 56,6% фуқароларда ватанпарварлик ҳиссиёти унчалик эмас ёки паст даражада деб, жавоб берадилар⁷². Бизнингча, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Маълумки, бизнинг она халқимиз ва азиз Ватанимиз охириги 2-3 асрда колоқликка юз тутиши бу унинг худудий тарқоқлик ва мустамлака асоратида бўлганлигидир.

Бизда бугунги кунда маънавиятнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишининг ҳам боиси шундаки, ватанпарварлик етишмаган инсонда ўқишга ҳам, илм ўрганишга ҳам, ҳатто тадбиркорлик билан меҳнат қилиш, фаолият кўрсатишга интилиш суст бўлади ва бундай ҳол бизда кечаётган ислохотларнинг яхши боришига ҳам халал бериши маълум бўлиб қолди.

Ватанпарварлик туйғуси кўп жиҳатдан миллий ифтихорнинг шаклланишига ҳам боғлиқдир. Шу боисдан ёшлар миллий ифтихор ҳиссини қуйидагича талқин қилишларини баён қилдилар: уларнинг фикрича сўров натижаларига кўра, миллий ифтихорга эга бўлиш миллий мерос ва маданият намуналарини билиш ва уларга содиқ бўлишни (33,1%), миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлигини ҳис этишни (14,7%), ўзбек халқи маданий тараққиётининг келажагига ишонишни (20,9%), жаҳон маданияти тараққиётида она юртимиз салмоғини англаш ва фахрланишни (31,3%) тақозо этади.

«Ватанпарварлик ва миллий ифтихорнинг асосий омиллари нималардан иборат?» деб сўралганда, респодентлар бош омил қилиб жамиятдаги асосий маънавиятнинг ва ижтимоий онгнинг шаклланишини кўрсатдилар (25,4%), иккинчи омил - мамлакат халқи билим даражаси ва илмий салоҳияти

⁷² Социологик тадқиқот дафтари. – Б. 11.

эканлигини (21,0%), учинчи ўринда эса мамлакат тарихини яхши билиш (17,0%), тўртинчи ва бешинчи ўринларда бўлса, давлат ва қонунчиликнинг мустақамлиги (13,0%), мамлакатнинг ривожланиш даражаси (13,3%)дан иборат. Респодентларнинг фикрича, ёшларда диний эътиқоднинг шаклланиши ҳам асосий омиллардан бири бўлиб, ватанпарварлик ва миллий ифтихор ҳиссини оширишга ёрдам беради (10,4%).

«Ватанпарварлик ва миллий ифтихорнинг шаклланишида ўқув, маданий, маърифий ва диний муассасаларнинг ролини қандай ошириш мумкин?» деган саволга респодентлар қуйидаги фикрни билдирдилар:

Барча ўқув юртларида замонавий фан ва техника ютуқларини самарали ошириш (33,9%), одамларда маданият ва ижтимоий онгни тўғри шакллантиришга хизмат қилувчи ижтимоий фанларга кўпроқ эътибор бериш (23,6%), аҳолига давлат тузилиши, қонунчилик ва бошқа ахборотларни тўлароқ етказиш (11,0%). Респодентлар диний билимларни чуқур ўрганиш лозимлигини ҳам таъкидладилар (6,6%).

Ватанпарварлик ва миллий ифтихорнинг шаклланишида тилларнинг, айниқса, она тилининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Ўқувчиларнинг 57,7%и, ўқитувчиларнинг 68,4%и ўзбек тилини ҳар томонлама ва чуқур билиш лозимлигини таъкидладилар. Бундан ташқари, рус (16,2%), араб (5,1%) тилларни ҳам ўрганиш фойдадан ҳоли эмаслигини қайд қилиб ўтдилар.

Мустақил Ўзбекистондаги ватанпарварликнинг ижтимоий моҳиятини ҳам ёшлар ва катталар ҳар хил тушунар эканлар. Масалан, ёшлар ва катталардан мос равишда олинган жавоблар қуйидагича: ўзбек халқига хос бўлган маънавият: 42,8%; Ўзбекистонда яшайдиган бошқа халқларга ҳам мос бўлган хусусият: 26,8% ва 21,6%; Ўзбекистондаги ватанпарварликка умуммиллий маъсулият 30,4% ва 48,6%⁷³.

Ватанпарварлик ва миллий ифтихор ғоясининг шаклланишида Ўзбекистон давлатининг жаҳон тарихидаги тутган ўрнини тўғри тушуниш қандай аҳамият касб этади? Бундай саволга респодентларнинг деярли

⁷³ Социологик тадқиқот дафтари. – Б. 11-12.

60,0%га яқини Ўзбекистон жаҳоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётига улкан ҳисса қўшган мамлакат деб жавоб беришса, 40,0%дан зиёдроғи эса бошқача, яъни Ўзбекистон ўзига хос миллий маданияти шаклланган мамлакат, деб тушунар экан. Халқимизда бундай турлича фикрлилик албатта табиий, аммо мамлакатимизнинг жаҳон тарихида буюк муносиб ўрин тутганини кўпчилик аниқ ва объектив равишда тушуниши катта аҳамият касб этади.

Халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатларини тикламоғимиз, уларни ҳозирги замон мазмуни билан чамбарчас бойитмоғимиз зарур. Лекин бугун бизнинг олдимизда турган бош масала - бу мустақилликни мустаҳкамлаш, тараққиётнинг энг тўғри йўлини танлаб, қисқа вақт ичида жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари қаторига ўтиб олишдир. Миллий қадриятлар ҳам, тил ҳам, ёзув ҳам, атамалар ҳам, миллий мерос ҳам, дин ҳам шу буюк мақсад учун хизмат қилмоғи керак. Ўзбекистон ҳамма вақт кўп миллатли мамлакат бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши ватанпарварликнинг умуминсоний жиҳатларига ҳам кўпроқ эътибор бермоқ кераклигини тақозо қилади.

Ватанпарварлик тушунчаси, биринчи галда, бизни ўзаро бирлаштириб турган халқ деб аталиши битта умумий категориядан келиб чиқмоғи керак. Бу дегани: Ўзбекистон ўзбеклар билан бир қаторда бошқа халқлар: руслар, қозоқлар, корейслар ва бошқалар учун ҳам «Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан» деб аталувчи маънавий қадрият бўлиши керак. Ўзбекистон фуқароси учун Ватан шаъни, обрўси, қадр-қиммати ҳамиша юқори бўлиши керак. Бу жиҳатдан Э.Юсупов ва Ф.Исмоиловларнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир: «Ўз Ватанини севиш, у билан фахрланиш Она-Ватан бахт-саодати йўлида, унинг манфаатлари учун курашиш демакдир. Инсон ўз Ватанини севмаса, унга садоқат билан хизмат қилмаса, у ҳақиқий инсон бўла олмайди. Ватанпарварлик унинг энг олийжаноб ва энг муҳим фазилати, одабийлигининг чинакам белгисидир»⁷⁴.

⁷⁴ Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон одоби билан. -Т.: «Ўзбекистон», 1993, -Б. 101-102.

Ватанпарварлик туйғуси бирданига ўз-ўзидан туғилмайди, балки киндик қони тўкилган ердан, яъни Она-Ватан туйғусидан бошланади.

Ватанпарвар киши ўз манфаатини умумхалқ манфаатидан устун қўймайди, у ўзи билан биргаликда ишлаётган ҳамкасблари, дўстлари ва ўртоқлари билан ҳамдам ва ҳамдард бўлади, уларнинг кадр-қимматини улуғлайди, инсоний фазилатларини кадрлайди. Кишини ўзи билан бирга ишлайдиган меҳнат аҳли қўллаб-қувватламаса, ёлғиз бир ўзи ҳеч нарса қила олмайди.

Ўз миллати, халқининг оғирини енгил қилиш, мушкулларини осон этишга ҳисса қўшиш истаги билан яшайдиган инсон ҳақиқий миллатпарвар ва ватанпарвардир. Биз собиқ Иттифоқ даврида кўп вақтлар ҳукмрон миллат вакилларининг мустамлакачилик интилишларини, уларнинг Республикамизда кўплаб раҳбарлик ўринларини эгаллаб бизга хужайинлик қилишларини, миллий ва диний одатларимизни таҳқирлашларини интернационал тарбия, «оғаларча ёрдам», деб мақтадик. Миллат учун қайғурган халқнинг асл фарзандларини эса «Ғоявий кўпоровчилар», «халқ душманлари» деб таъқиб остига олдик. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, энди миллий мустақиллик мафқурасини шакллантириш ва кўзлаган мақсадларимизни амалга ошириш учун миллатимизга ёт бўлган жуда кўп ижтимоий иллатлардан ҳам қутилиш зарур бўлади. Булар жамиятимиздаги айрим кишиларга хос бўлган лоқайдлик, лаганбардорлик, мутелик, меҳрсизлик, оқибатсизлик каби иллатлардир. Бизда ўз ватандошига, миллатдошига хайрихоҳ бўлиб, қўллаб-қувватлаш ўрнига ўзаро адоват, зимдан душманлик қилиш, пайини қирқиш, худбинлик, ўз ватандоши ҳисобига яшаш ва мол-дунё орттириш каби иллатлар мавжуд. Буларни йўқотиш учун энг аввало, миллий онгни, ҳуқуқий давлатга хос ҳуқуқий онгни ўстириш лозим. Кишида миллий онг юксалса, у ўзини-ўзи англайди, жамиятда тутган ўрнини билади, ўз кадр-қимматини тушунади, миллий ғурури уйғонади, миллий манфаатларни ҳимоя қиладиган бўлади. Бундай кишида энди Ватан ва халқ туйғуси ватанпарварлик ва

инсонпарварлик, миллий бирлик ва миллий маъсулият ҳислари пайдо бўлиб, кадр-қиммат туйғулари унинг қон томирларида жўш ура бошлайди.

Ўзбекистон фуқаролари, асосан ўзбеклар бўлиши билан бирга, бу заминда азалдан тожиклар, қozoқлар, туркманлар, қирғизлар ўзбеклар билан бирга, ёнма-ён яшаб келган. Бугунги кун мустақиллик шароитида биз Ўзбекистоннинг миллий манфаати деганимизда, Ўзбекистон фуқароси бўлган барча халқнинг манфаатларини тушунамиз.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида қонуннинг устуворлиги, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлаш ва шу асосда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғоялари сингдирилиши лозим. Биз бугунги кунда йиллар мобайнида юз берган ғоявий парокандалик, бир ёқлама ҳукмронлик қилган коммунистик мафкура натижасида юз берган жамиятдаги маънавий таназзулга барҳам бериб, оёқ ости бўлган халқ ғурурини тиклаш, унинг ўз миллати билан фахрланиш туйғусини кучайтириш ҳамда бошқа миллат вакиллари билан онгли равишда унинг бирлиги, ҳамжиҳатлиги, ўзаро тинч-тотув яшашини таъминлашимиз зарур. Шу сабабли, ҳар қандай шароитда ҳам кишиларнинг Ватанга, унинг халқига бўлган муҳаббатини кучайтирадиган, ўз юрти билан фахрланиш ҳиссини уйғотадиган илғор ва курашчан фуқаролик туйғусини шакллантирадиган муҳитни вужудга келтира олиш бизнинг ҳар биримиз учун шарафли вазифадир. Бунинг учун кўп миллатли мамлакатда асрлар мобайнида қон-қардош бўлиб яшаётган миллатлар ва халқлар ўртасига нифоқ солишларга зарба берадиган, ҳар қандай маҳаллий чегараланишда маҳаллийчиликни ва миллий гуруҳбозларни йўқ қиладиган, инсонпарварликка таянган ғоятда кучли ватанпарварлик керак.

Турли сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг бош мақсади-ҳокимият учун кураш бўлмай, балки ана шу ҳокимият қаноти остидаги Ватан ва миллат равнақи учун жонбозлик кўрсатиб, унинг тараққиётига ўз хиссаларини қўшиш каби олийжаноб ишларни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Миллатни ўз-ўзини миллий англаши ватанпарварликнинг асосий

заминларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кишиларнинг миллий ўз-ўзини англашлари уларда миллатпарварлик ҳиссининг пайдо бўлишига олиб келади.

Миллатпарварлик деганда, ўз миллати ёки элатига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шу миллатнинг тарихи, тили, маданияти, урф-одатлари, иқтисодий имкониятларини яхши билиб, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида фаол қатнашиш тушунилади. Ҳолбуки, орамизда миллати ўзбек бўла туриб, ўз миллий тилини, миллий мақомларини, ёзувчи ва шоирлари уларнинг халққа манзур асарларини, республикаси ва ўз халқи тарихини мутлақо билмайдиганлар ҳам кам эмас. Бундай кишилар бошқа миллий маданиятларга сажда қиладилар ва бу билан бошқа миллат вакилларида ўз миллати ҳақида нотўғри тушунча ҳосил қилдирадилар. Ҳар томонлама тараққий этган инсоннинг кундалик ҳаётидаги уни парвоз қилдирадиган икки қаноти, булар байналминалчилик ва у билан узвий боғлиқ бўлган миллатпарварликдир.

Миллатпарварлик - бу ватанпарварлик билан байналминалчиликни бир-бирига боғлаб турувчи омилдир. Юқорида айтилганидек, ватанпарварлик бу - Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат бўлса, миллатпарварлик шу Ватанда яшовчи миллатлар ва халқларга нисбатан қилинадиган ғамхўрлик ва шу кабилардир. Миллатпарварлик ана шу умумий ва кенг тушунча бўлган ватанпарварликни муайянлаштиради, яъни уни маълум миллат, маълум ер ва ҳудудга боғлайди.

Одамлар қанчалик турли-туман бўлса, миллатлар ҳам шунчалик турли-тумандир, деган эди умрининг кўп қисмини дунё кезиш билан ўтказган ёзувчи Ильяк Эденбург⁷⁵. Ҳар бир миллат маълум ҳудудда яшаб, маълум тилдан фойдаланиб, аста-секин тарихан шаклланади. Бу ҳудудда инсон туғилиб, ўсиб, улғайиб бориши жараёнида унинг онги, ақли, билим доираси, тарихий тажрибаси ортиб борганидек, миллат ҳам шундай шаклланиб, ривожланиб боради. Миллатнинг ташкил топиши - бу фақатгина унинг

⁷⁵ Норматов К., Исҳоқов Ф., Нуриллин Р.Т. Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналминал дунёқараш. (Ўқув кўлланма). -Т.: «Ўқитувчи», 1992. -Б. 56-57.

иқтисодий ҳаёти, миллий маданияти, анъана ва урф-одатларининг ташкил топишигина эмас. Бу айни вақтда миллатнинг ўз-ўзини англаши жараёни ҳамдир. Айни вақтда миллатларнинг ҳаёти бир-бирлари билан маълум муносабатларда ўзаро мулоқотда, ўзаро ҳамкорликда кечади. Уларнинг ўзаро муносабатлари шу миллатлар яшаб турган муайян ҳудудга, вазиятга боғлиқ бўлади. Лекин ҳаётнинг, жамиятнинг қонуний талаблари шундаки, миллий ўз-ўзини етарли англамаган, ўз кадрига етмаган, ўзини ҳимоя қилмаган миллат аста-секин ўзининг тарқоқлиги сабабли бошқа миллатларнинг тазйиқида емирилиб бориши ва орқада қолиб, бутунлай ўзлигини йўқотиши, охир оқибатда бошқа миллатларга қўшилиб, аралашиб кетиб, ниҳоят, миллат сифатида йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Бундай вазиятлар, одатда, жамиятни тушкунликка олиб келган, чунки тўзиб кетган миллат ва элат ўзининг ишлаб чиқариш воситаларидан айрилган, ҳунармандлар, маданият вакиллари, меҳнаткаш деҳқонлар хонавайрон бўлганлар. Шунинг учун биз миллатларни тезроқ қўшиб юбориш тўғрисида эмас, балки уларни янги тараққиёт йўлига олиб чиқиш тўғрисида ўйлашимиз керак.

Ўзбек халқининг миллий ўз-ўзини англаши ўзбекларнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган ватанпарварликни вужудга келтиради. Биз ўзбеклар жуда бой, сермазмун тарихимизга, ўзига хос жилоли ва ранг-баранг моддий, сиёсий, жумладан давлатчилигимиз, ҳуқуқий ва маънавий маданиятимизга эгамиз. Миллат ўз-ўзини миллий англаб олди, деган сўз у бошқа миллатлар ва халқлар билан бир қаторда ўз ҳақини, ўз ҳуқуқини ва кадр-қимматини билиб олди, деганидир.

Бу жараёнда ҳуқуқий давлатчиликнинг ўрнатилиши муҳим омил, шароит вазифасини ўтайди.

Миллатнинг етуклиги шахснинг маънавий камолоти билан, ўз Ватанига бўлган муҳаббати билан белгиланади. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат одамнинг қонига она сути билан, унинг онгига ота ўғити билан, авлодлар тажрибаси ва билимини ўзлаштириш билан сингади. Бу муқаддас туйғуни

унда она алласи парвариш қилади, ота тарбияси ва намунаси улғайтиради. Ватанга бўлган муҳаббат миллий манфаатларини, миллатимиз тақдири ва истиқболини чуқур ўйлаш ва англаш билан боғлиқ бўлган маънавийдир. Ватанга бўлган муҳаббатсиз ватанпарварлик фаолияти юз бермайди.

Кишиларда Ватанга бўлган садоқатнинг шаклланиши ва ривожланишида адолат, тенглик, эркинлик, диёнат, иймон, аҳиллик, ватанпарварлик сингари ажойиб фазилатларини ўзида жорий қилган миллий ва умуминсоний қадриятлар жуда катта роль ўйнайди. Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, бундай юксак ватанпарварлик туйғусига эга бўлган киши Ватани, халқи учун жонини фидо этишдан ҳам ўзини аямайди, лекин муттаҳам, худбин, калтабин, ёлғончи ва ваъдабоз кишида бундай ватанпарварлик туйғуси бўлмайди⁷⁶.

Хуллас, ватанпарварлик маънавий маданий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тақозо қилинадиган Ватанга эътиқод ва хатти - ҳаракатнинг бирлигидир. Ватанга садоқат фақат туйғу бўлиб қолмасдан, балки шу билан бирга бу туйғунинг намоён бўлишидир. Ватанга эътиқод бўлмаса, Ватанга садоқатли хатти-ҳаракатнинг ўзи бўлмайди. Ватанга эътиқод Ватанга садоқатли хатти-ҳаракатсиз ҳеч нарсадир.

⁷⁶ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: «Ўзбекистон», 1995. - Б. 53.

